

Шайх Абдуллоҳи Назаровнинг



СИЁСИЙ ҚАРАШЛАР

ҲИЗБУТ ТАХРИР
НАШРЛАРИДАН

СИЁСИЙ ҚАРАШЛАР

Барча давлатлар Ислоннинг душманидир. Чунки улар Ислонга зид бўлган дин ва мабдаъларни қабул қилишган ва уларнинг ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарлари Ислоннинг ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назаридан фарқ қилади, балки унга зиддир. Хусусан, буюк давлатлар Ислон юртларига тама кўзи билан қараётганликлари сабабли Ислонга душманлиги ортиқ даражададир. Шунинг, учун улар Ислон Умматини йўқ қилиш учун Ислон Давлатини йўқ қилишди ва Ислон Уммати бошқа умматлар ичида яна буюк Уммат даражасига кўтарилишининг олдини, олиш учун Ислон Давлати яна ҳаётга қайтишини тўсишга қаратилган узоқ муддатли режалар ишлаб чиқишди. Табиийки ҳозирги кунда ҳам Ислон Уммати ҳаракатга тушиб қолмасидан олдин Ислон Давлатини бешигидаёқ кўмиб ташлаш мақсадида режалар тузишмоқда, бор кучларини сарфлашмоқда. Модомики Ислон Давлати бор экан ёки бу душман давлатлар давлат сифатида ёки халқ балки шахслар сифатида катта кучни намоён қилиб турар экан Буюк давлатлар Ислон Умматига, унинг вужудига ва қувватига қарши тинимсиз кураш олиб бораверади. Ҳар бир сиёсий мусулмон дунёдаги барча давлатларнинг ташқи сиёсатини билиши шарт бўлса, ҳар бир мусулмон буюк давлатлар сиёсатининг моҳиятини, яширин жиҳатларини, режаларини, услуб ва воситаларини умумий шаклда билиши, ҳар бир сиёсий мусулмон ҳамда фикр юритувчи мусулмон эса бу нарсаларни батафсил ва воқеий шаклда билиши лозим бўлади. Бунда у хатарларни билиб олиш ва исломий юртнинг, яъни Ислон давлати ва Ислон Умматининг хавфсизлигини таъминлаш учун доимий равишда иш олиб бориш учун ўзгариб ва янгиланиб турувчи кундалик ҳодисаларни кузатиб бориши, шунингдек ҳар қандай давлатнинг сиёсати асосларини доим тўла тасаввур қилиши лозим бўлади.

Ҳозирги даврда халқаро сиёсатда икки давлат: Америка ва

Россия ҳукумронлик қилаётган экан, буюк давлатлардан яна иккитаси — Франция ва Англия халқаро таъсир майдонига қайтиш учун тинимсиз ҳаракат қилиб келмоқда. Бундан ташқари ушбу икки давлатнинг исломий юртда тамалари ва уни ўз таъсир доираларига киритиш мақсадлари, Исломга ва мусулмонларга қарши гина адоватлари ҳам бор. Шунинг учун Америка, Россия, Англия ва Францияларнинг ҳар бирининг ташқи сиёсати ҳақиқатини билиш зарур. Шу билан бирга хатар бу давлатларнинг ҳар бири томонидан келишини ва исломий юрт хавфсизлиги барча мусулмонлардан доимий уйғоқлик ва ҳушёрликни талаб қилишини унутмаслик керак.

АНГЛИЯ СИЁСАТИ

Аввало шуни билиб қўйиш лозимки, инглиз халқи кичик халқ ва Англия мамлакати кичик мамлакат. Шунинг учун у мана шу жиҳатдан, табиийки, буюк давлат бўлишга ҳам, эътиборга лойиқ давлат бўлишга ҳам муносиб эмас. Лекин бу инглиз халқи икки хусусияти билан, яъни ақл-заковати ва ҳийлакорлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Шу икки хусусияти билан Англия буюк давлат бўла олди ҳамда умуман бутун оламга ва хусусан Ислом Давлатига хатар сола олди.

Англия қудратли давлат бўлиш учун ишлаб чиққан режаси битта нарсада намоён бўлади, яъни у ўзидан бошқаларни, яъни бошқа шахслар, халқлар ва давлатларни ўз қўлида қурол бўлишлари учун, ёки улар Англия ўз мақсадларини амалга оширишда Англия билан биргаликда ҳаракат қилишлари учун, ёки Англия ўз душманларига қарши курашиши ва фойдаларни жалб қилиб, зарарларни даф қилишида иштирок этишлари учун, ёки уларни заифлаштирадиган муаммолар исканжасига ёлғиз ўзларини тушириб қўйиб, инглизлар хоҳлаган сиёсатга юрадиган қилиб қўйиш учун бу «бошқаларни» ўз сиёсатига бўйсундиришда намоён бўлади.

Бу Британиянинг доимий режасидир. Шунинг учун у халқаро мувозанатга жиддий аҳамият беради ва агар бирор давлат у белгилаб қўйган мувозанатни бузадиган даражада буюк давлат бўлиш қудратига эга бўлса унга адоватда бўлади ва урушга олиб борса ҳам унга қарши курашади. Оламда биринчи давлат бўлиш учун ҳаракат қилаётган ҳар қандай давлатга қарши курашади. Ҳукмрон бўлишни тама қилаётган ҳар қандай давлатдан мустақил бўлиш учун ёки бирор давлатга қўшилиш — яъни халқаро мувозанатни бузушга ёрдам берадиган ёки Англияга душман бўлган бирор давлатнинг қудратини оширадиган қўшилиш — учун ҳаракат қилаётган ҳар бир халқ, ҳар бир жамоат, балки ҳар бир шахсга қарши курашади.

Англия ҳозирги кунда — йигирманчи асрнинг етмишинчи йилларида халқаро майдонда заиф давлат ҳисобланади. Лекин у воқеий жиҳатдан олиб қаралса кучли давлатдир. Яъни

юқорида айтиб ўтилган икки хусусият унда ҳали ҳам мавжуд, унинг мустамлакаси бўлган халқларнинг кўпчилигини «Комонвалс» («Британия ҳамдўстлиги») номи билан ўз чангалида ушлаб турибди. Исломий юртларнинг аксари ҳануз унинг нуфузи ёки ҳукмронлиги остида турибди. Унинг ортидан судралиб юришга одатланган Европа давлатларининг катта қисми у билан дўстона муносабатдадир. Америка Англияга рақобат қилаётган ва унинг ҳажмини кичайтиришга уринаётган бўлса ҳам, бироқ ҳаётда унга ёрдамчи ва уни парчаланиш ва йўқ бўлиб кетишдан, ҳимоя қилувчи бўлиб қолмоқда. Шунинг учун унинг халқаро жиҳатдан заифлиги уни халқаро майдондан бутунлай қувгин қилиш деб ҳисобланмайди. Балки бу нарса Америка ва Россия халқаро услублар ёрдамида — Англияга ҳаёт ва қувват бериб турадиган ҳамда унинг яшаб қолиши ва ҳаракатини қайта бошлашига кафил бўладиган томирларини кесиб ташламасдан — амалга оширган бир ишдир.

Шунинг учун Англияга заиф давлат сифатида қараш ва халқаро майдондаги заифлигини унинг ҳақиқий заифлигига далил деб эътибор қилиш тўғри эмас. Балки унга қарашда унинг халқаро майдондаги ҳолати билан қудратининг ҳақиқий асосларидаги ҳолатини ажрата билиш лозим.

Инглиз сиёсатининг асоси мана шу: кичик бир мамлакатда жойлашган кичик бир халқ бу ҳаётда биринчи бўлишни ҳамда буюклик ва шон-шухратни хоҳлайди. Шунинг учун у ўз буюклиги ва шон-шухратини рўёбга чиқариш учун восита қилиш мақсадида қандай бўлмасин қудратини ошириб боради. Бутун сиёсатида — ўн тўққизинчи асрда ва йигирманчи аср бошларида бўлганидек қудратли ҳолатида ҳам, йигирманчи асрнинг қирқинчи йилларидан бошланган заифлик ҳолатида ҳам — Англия мана шу асосда ҳаракат қилмоқда.

Унинг биринчи давлат бўлишдан ёки халқаро сиёсатда иштирок этишдан мақсади: ҳукмрон бўлиш ва ўз манфаатлари йўлида фойдаланишда ва ўзини мудофаа қилиш лозим бўлиб қолганда мудофаа қилишда қўллаш учун халқаро алоқалар ва давлатлар устидан ҳукмронлик қилишдир. Масалан, Англия Европа давлатларини Ислом Давлатига зарба бериб, кейин бутунлай йўқ қилиб юбориш учун тўплади. Англия Европа

давлатлари ўртасида мувозанат бузилган пайтда фақат Германияга зарба бериш учунгина эмас, балки шунингдек Ислом Давлатига барҳам бериш учун ҳам бутун оламни биринчи жаҳон урушига тортди. Англия Европа давлатлари ўртасида мувозанат бузилган пайтда фақат Германияга зарба бериш учунгина эмас, балки шунингдек Россиядаги коммунистик тузумга барҳам беришга уриниш учун ҳам бутун оламни иккинчи жаҳон урушига тортди. Агар Франция ва Америка биринчи жаҳон урушидан кейин ҳам, иккинчи жаҳон урушида ҳам Англия томонидан Англиянинг буюклигини сақлаб қолиш, унинг тамаларини ва ҳимоясини амалга ошириш йўлида ишлатилганларини тушуниб етмаган бўлса, Россия Англиянинг иккинчи жаҳон урушидан кўзлаган мақсадларини тушуниб етган эди. Россиянинг бу тушуниши натижасида иккинчи жаҳон урушидан кейин Америка Англия томонидан ишлатилганини ҳис қилди, Франция ҳам Англиянинг ишларидан огоҳ бўлди. Мана шу нарса Англияни — у Францияни халқаро майдондан чиқариб юборишда муваффақиятга эришгандан кейин — халқаро майдондан чиқариб қўйди. Агар Франциянинг ақл заковати Англияни Европа масалаларида иштирок этишдан ҳамда умумий бозорга киришдан ман қилиш даражасига етмаган бўлса, Америка Англиянинг қанотларини синдириш, қудратини заифлаштириш ва ҳаётий томирларини кесиб ташлаш инглизларнинг америкаликлар устидан ҳукмронлигининг олдини олиш учун зарур эканини тушуниб етган эди. Шунга кўра — модомики руслар инглизларга ишонишларининг ёки уларга қаршилик қилишларининг эҳтимоли йўқ экан, модомики ўзларига лозим бўлган нарсани, яъни инглизларни ўзлари учун ишлатишни тушуниб етган эканлар, модомики улар инглизларнинг қудратини заифлаштириш ва ҳаётий томирларини кесиб ташлашга уриниш сиёсатини давом эттираётган эканлар — инглизларга қақшатқич зарба бериш ва уларни қайтадан кичик бир мамлакатдаги кичик халқ даражасига тушуриб қўйиш учун америкаликлар қатъий киришдилар.

Британия сиёсати Россияга қарши турли услублар билан — халқаро даражада ва жузъий сиёсатларда — кучли давом

этмоқда. Американи ўзи учун суюнчиқ сифатида сақлаб қолиш ва Американинг Англияга қарши ишлатишни кўзлаётган сиёсатига қарши курашиш мақсадида яхши муомала, алдов ва махфий услубларни қўллашда давом этмоқда. Агар Россия Англия билан муросасозлик қилиши ва Америка Англия билан муносабатларини Россия билан бўлганидек кескинлаштириши кутилмаса ҳам, бироқ бу ерда Англия Европани ўз атрофида бирлаштириши ва Американинг Англияга зарба бериш уринишларини тўхтатиб қўйиши ёки бу зарбалар кучини камайтиришининг хавфи бор. Шунингдек бу ерда Россия империя ҳолатига ўзгариб қолиши ва унинг мақсади бутун оламни кўз остига олган коммунистик давлат эмас, балки фақат ўзини ҳимоя қилиш ва буюк давлат мақомини сақлаб қолишдан иборат давлат бўлиб қолиши хавфи ҳам бор. Шунинг учун Россияда бутун оламни эгаллаш руҳини — ҳолбуки бу нарса хаёлий бўлса ҳам — алангалантириш ҳамда «янги дунё»дан ташқарида Америка манфаатларини сақлаб қолиш инглизларнинг халқаро майдонга қайтиши хавфини йўққа чиқаради ҳамда уларни ҳукумронлик қилиш ва ҳужумга ўтиш ҳолатига ўтказмасдан фақат ўзларини мудофаа қилиш ҳолатида қолдиради.

Аммо Англиянинг халқаро бўлмаган сиёсати келсак, бу сиёсати Америкадан ва Европадан, бинобарин Россиядан ташқарида бўлиб, Осиё ва Африкага, яъни ўз манфаатлари учун фойдаланишни, ўзи учун куч, халқи ва давлати учун ҳаёт томирлари қилиб олишни кўзлаётган мамлакатларга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам Англияни ҳалок қиладиган нуқта Европада эмас, балки Осиё ва Африкададир. Бинобарин Англия қувватининг манбаи шу икки қитъада бўлиб, ҳаёти ҳам шу икки қитъада ўз мавқеини сақлаб қолишига боғлиқдир. Модомики бу икки қитъада ёки улардан бирида Англиянинг кучи мавжуд экан у қанчалик заифлашмасин кучли давлат бўлиб қолаверади, у қанчалар зарбаларга дуч келмасин тирик ва таъсир ўтказа оладиган давлат бўлиб қолаверади. Шунга кўра инглиз сиёсати тушуниш ва иш учун ўрганиладиган бўлса, аввало Осиё ва Африкадаги, кейин Европадаги сиёсати ўрганилади. Шундан маълум бўладики, Англияга қарши иш олиб боришда инглиз сиёсатини ҳақиқий

тушуниш учун унинг Осиё ва Африкадаги, кейин эса Европадаги сиёсатини ўрганиш лозим бўлади. Чунки унинг Европадаги сиёсатини ўрганиш — халқаро сиёсатда ёки мустамлака сиёсатида бўлсин фарқи йўқ — унга қарши халқаро майдонда иш олиб бориш ва Европани бирлаштириб ўзига бўйсундиришининг олдини олиш учун фойда беради.

Англиянинг Осиё ва Африкадаги ҳар бир мамлакатда ёки камида ҳар бир минтақада олиб бораётган сиёсатини ўрганиш зарур бўлсада, лекин бу нарса кишини ихота қилиб олиш қийин бўлган тафсилотларни ҳам билишга мажбур қилади. Зеро, тафсилотлар ўзгариб, янгиланиб ва алмашиб туриш хусусиятига эга. Бу эса кундалик ҳодисаларни кузатиб боришни талаб қилади. Шунинг учун уларни ўрганиш қийиндир. Гарчи уларни иш давомида кузатиб бориш мумкин бўлса ҳам. Шунга кўра Англиянинг бир икки қитъадаги сиёсати асосларининг асосий йўналишларини билиш билан чекланиш зарур бўлади.

Ушбу асосий йўналишлар қуйидагилардир:

Биринчидан, Англия бу юртларда ҳокимиятни бошқариш низомига эътиборини қаратади. Масалан, Англия у ерларда янги давлатларни пайдо қилади (Иордания каби) ёки давлатларни ўзаро душман қисмларга бўлиб юборади (Ҳиндистон ва Фаластин каби) ёки бирлашишини ман қилишни хоҳлаган давлатлардан ва ўз манфаати йўлида осон фойдаланишни кўзлаган давлатлардан ҳар хил иттифоқлар ташкил қилади (Танзания ва Малайзия каби давлатлар ва «Шимолий Африка бирлиги иттифоқи», «Серҳосил ярим ой иттифоқи» кабилар) ёки ҳокимларни бошқа ҳокимларга ўзгартиради (Ливия ва Угандада қилгани каби) ёки ўзига ён босмайдиган тузумларни ўзгартиради (Саудия ва Жазоирда қилгани каби). Демак Англия ҳокимият тузумларини — уларни кучайтириш ёки заифлаштириш учун ёки жамлаш ёки истиробга солиб қўйиш учун ёки яна бошқа мақсадларда — доимо кузатиб, уларда узлуксиз иш олиб боради.

Иккинчидан, инглизлар Осиё ва Африкада капитал, ширкатлар, ишбилармон кишилар, савдогарлар ва бошқалар йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга суянади. Масалан, улар Ҳиндистонга «Шарқий

ширкат» йўли билан киришган ва ҳозиргача у ерда ширкатлар, ишбилармонлар ва савдогарлар воситасида туришибди. Арабистон ярим оролига капитал ва савдогарлар йўли билан кириб келишган ва ҳозиргача у ерда савдогарлар ва ишбилармонлар воситасида туришибди. Эронга нефть ширкатлари йўли билан киришиб, ҳозиргача у ерда ширкатлар, савдогарлар ва ишбилармонлар воситасида туришибди. Нигерияга ширкатлар йўли билан киришган ва ҳозиргача у ерда ширкатлар, савдогар ва ишбилармонлар воситасида туришибди ва ҳоказо. Инглизлар қўшин йўли билан уруш қилиб кирмаган — Ироқ ва Миср — каби мамлакатларнинг кўпига иқтисод йўли билан киришган. Ҳарбий жиҳатдан чиқиб кетган — Кения, Танзания ва Занжибар каби — мамлакатларда ҳам ширкатлар, савдогарлар ва ишбилармонлар йўли билан туришибди.

Демак иқтисод инглизларнинг Осиё ва Африкадаги жуда кўп мамлакатларда мавжуд бўлишининг асосий омилдир.

Учинчидан, инглизлар мамлакатларга кириш ва у ерда қолишда малайларга суянишади. Бу малайлар ҳар хил бўлишади: баъзилар сиёсатда, баъзилар иқтисодда, баъзилар тижоратда, баъзилар фикр тарқатишда, баъзилар илм ва таълимда ва баъзилар ўз мамлакати эътиқод қилган динда малай бўлишади. Сиёсатдаги малайлар энг кўзга кўринган малайлар бўлишса ҳам, бироқ бошқа малайларнинг сиёсатчи малайлардан хатари кам эмас, балки айрим ҳолларда мамлакатга уларнинг хатари жуда ҳам катта бўлади ва инглизларнинг нуфузи учун энг кучли омил бўлиб хизмат қилишади. Шунинг учун малайларнинг барча турлари инглиз сиёсатининг бир қисмидир. Зеро, инглизлар улар ёрдамида араб ярим оролига ва Мисрга кириб келганидек мамлакатларга киришади ва улар ёрдамида Ҳиндистон ва Танганьикада бўлганидек кириб олган мамлакатларида қолишади.

Тўртинчидан, адаштирувчи фикрлар, қўзғатувчи райлар, таъсир кўрсатувчи хабарлар ва шу каби нарсалар инглизларнинг мамлакатда мавжуд бўлишларининг — мамлакатга кириш ёки у ерда қолишларининг — самарали воситалари деб ҳисобланади. Масалан, миллатчилик фикри

Болқонни Усманий Давлатдан айриб ташлади ва арабий юртларни туркий юртлардан ажралишини қўллаб қувватлаган куч бўлди. Демократия ва ғарб дунёқараши фикрлари исломий юртларни ғарбга тобе ва ундан ажрала олмайдиган қилиб қўймоқда. Бу фикр ва райлар — миллатчилик каби умумий бўладими ёки британия аслзодалиги, инглизларнинг ростгўйлиги ва Англиянинг заковатлиги каби хусусий бўладими фарқсиз — жуда кўп мамлакатларда Англиянинг кириши ва у ерда қолиши учун имконият яратиб берган серҳосил замин яратди.

Бешинчидан, Англия сиёсий адаштиришдан мамлакатларга ўз нуфузини ёйишнинг самарали воситаси сифатида фойдаланади. У сиёсий адаштириш йўли билан Туркияга кирди ва ҳозиргача шу йўл билан у ерда турибди. У Африка жанубида ва Родезияда сиёсий адаштириш йўли билан ўз мавқеини мустақкамламоқда. Ўзи учун Кипрда қолиш имкониятларини яратиш мақсадида Туркия ва Юнонистонни сиёсий адаштириш йўли билан Кипр масаласида ўзига бўйсундириб келмоқда.

Мана шулар Осиё ва Африкадаги инглиз сиёсати асосларининг асосий йўналишларидир. Бу асослар ҳарбий базалар, денгиз флоти, амалий таҳдид, самарали сиқув ва шу каби очиқ воситалардан бошқадир. Зеро, булар моддий воситалардир, гарчи Англия ўзининг Осиё ва Африкадаги сиёсатида уларга суянса ҳам, лекин улар очиқ воситалардир. Аммо мазкур беш асосий йўналишлар ва улар кабилар таъсирли сиёсат бўлиб, инглизларнинг бу мамлакатларда бўлиши ва қолишини кафолатлайди. Шунинг учун Америка ва Россия ер юзида ҳарбий базаларни йўқотишга келишган ва дунёдаги инглиз ҳарбий кучларини камайитиришган пайтларида Англияга кучли зарба беришда амалий бир натижага эриша олмадилар. Зеро, бу ишлар Англиянинг ҳаёт томирларини кесишга уриниш ва қудратини заифлаштириш бўлиб, унинг томирларини ҳақиқатда кесиб ташлаш ва қудратини йўқ қилиш эмас эди. Чунки Англия учун малайлар ва бирор мамлакатда иқтисодий қувват мавжуд экан, мана шунинг ўзи унинг шу ерда қолишига ва агар у ердан қувилса яна қайтиб келишига кифоядир. Ҳиндистон, Танзания ва

Нигерия бунга ёрқин мисолдир.

Демак инглиз сиёсати халқаро сиёсатда қатнашиш ва халқаро майдонда таъсир ўтказиш учун режалаштирилади, шунингдек ҳукмронлик қилиш, ўз нуфузини ёйиш ва мамлакатлар ва одамларни эксплуатация қилиш (ўз манфаати учун ишлатиш) мақсадида ҳам режалаштирилади. Ҳаттоки бу сиёсатнинг халқаро жиҳатлар учун белгиланган режалари, гарчи буюклик ва шон-шуҳрат учун бўлса ҳам, шунингдек бошқаларни эксплуатация қилиш учун ҳамдир. Демак инглиз сиёсатидаги асос мамлакатлар ва одамларни эксплуатация қилишдир. Бошқалари эса шу эксплуатация учун воситалардир.

Инглиз сиёсатининг ҳақиқати мана шу. Агар бу ҳақиқат воқеий суратда тушунилса бу сиёсатга зарба бериш, балки инглизларга зарба бериш мумкин бўлади.

АМЕРИКА СИЁСАТИ

Америка сиёсатида икки ҳолат мавжуд: иккинчи жаҳон урушигача бўлган ҳолат ва иккинчи жаҳон урушидан кейинги ҳолат. Иккинчи жаҳон урушидан олдинги ҳолати — ўрганиб қўйиш фойдадан ҳоли бўлмасда — биз учун муҳим эмас. Аммо иккинчи жаҳон урушидан кейинги ҳолати жуда муҳим. Чунки бу ҳолатни иш юритиш мақсадида ўрганиш самара беради. Иккинчи жаҳон урушидан аввалги ҳолатини ўрганиш эса Америка сиёсати қурилган асосни бутунича идрок қилишда фойда беради. Бу эса бизга иш юритишда кундалик ҳодисаларга ҳукм чиқариш учун собиқ маълумот сифатида ёрдам беради.

Америка сиёсати иккинчи жаҳон урушидан аввал ғарбий ярим шарда ёлғизлик асосига қурилган эди. Шу боис у Монро доктринасини қабул қилди. (Жеймс Монро. 1817-1825 йилларда Америка давлати раиси бўлган. Американи ёлғизликка даъват этган). Бинобарин унинг ташқи сиёсати ғарбий ярим шарни эски дунё (Европа, Осиё ва Африка)да мавжуд бўлган бошқа давлатлардан ҳимоя қилиш асосига қурилган эди. Америка учун эски дунё Европада намоён бўлар эди, чунки Монро доктринаси вужудга келишига сабаб бўлган муқаддас иттифоқдан кейин эски дунёда Европадан бошқа Америкага таҳдид соладиган ёки таҳдид солиши мумкин бўлган куч қолмаган эди. Зеро, Ислом Давлатига зарба берилиб, заифлаштирилганидан кейин эски дунёда ана шундай куч сифатида фақат Европа қолган эди. Шунинг учун Америка ўзини ҳимоя қилишда сиёсатини Европага нисбатан алоҳида сиёсат ишлаб чиқиш асосига қурди. Европада тўртта буюк давлат — Англия, Франция, Германия ва Россия давлатлари бор эди. Бу давлатлар Усманий Давлатдан хотиржам бўлишгач, улар ўртасида ўзаро кураш кучайди. Америка эса бу курашга озуқа берар эди. Аввало, у бу давлатларнинг бирортаси Европага ҳукмронлик қилишга имконият топа олмайдиган даражада улар ўртасида кучларни мувозанатлаш сиёсатига суянди. Иккинчидан, Англияни ўзига тамоман ўғил қилиб, унга ғамхўрлик қила бошлади ва уни Европа давлатлари ўртасида кучларни мувозанатлаш

сиёсатида қўллаб қувватлади. Учинчидан, Европадаги қайси бир давлат бошқа бир Европа давлатини ўзига қўшиб олишга ҳаракат қилса, бунга йўл қўймади. Шу сабабдан Швейцария, Люксембург ва Бельгия каби кичик давлатлар қандай бўлса шундайлигича қолди. Англия ва Франциянинг ҳолати кучлилигича қолди. Европа устидан ҳукмронликни қўлга олишдан Американи чўчитиб турган давлат аввало Германия бўлса, кейин Россия эди. Шунинг учун ҳам у биринчи ва иккинчи жаҳон урушларида Германияга қарши турди ва иккинчи жаҳон урушидан кейин Россия йўлига тўғаноқ бўлиб, Европани хароб қилишига йўл қўймади.

Демак Американинг сиёсати иккинчи жаҳон урушидан аввал ва кейин ғарбий ярим шарни ҳар қандай Европа давлатининг кириб келишидан ҳимоя қилиш мақсадида Европадаги кучларни мувозанатлаш сиёсати бўлган эди. Шунинг учун унинг ғарбий ярим шар ташқарисидаги ташқи сиёсати фақат ҳимоя қилиш сиёсати бўлиб, у Европа давлатлари ўртасида кучларни мувозанатлашга суянар эди. Американинг барча сиёсий ва ҳарбий ишлари ғарбий ярим шарда чекланган эди. У ердан фақат Япония сабабли Филиппинни мустамлака қилганда чиқди. Чунки Америка Япониядан қўрқар эди. Лекин ҳужум қилиш ҳақида фикрласа унга зарба бериш учун тайёргарлик кўриш билан чекланар эди. Мана шу ғоя сабабидан Филиппинни мустамлака қилди ва Япониянинг хатари унча аҳамиятли бўлмагани учун шу билан кифояланди.

Американинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги сиёсати бутунлай ўзгариб, бошқача тус олди. Шунинг учун Америка сиёсатидаги ўрганилиши лозим бўлган жиҳат унинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги сиёсатидир. Чунки у халқаро ҳаётга таъсири бўлган сиёсат бўлиб, унга қарши курашиш ва унинг хатарини бартараф этиш чуқур тушунишга ҳамда омилларни, услуб ва воситаларни билишга муҳтождир.

Ҳамма нарсадан аввал Америка халқи ҳақида бир фикрга келиш лозим бўлади. Зеро, ўз ҳокимларини ўзлари ихтиёр қиладиган халқ ва миллатлар давлат деб эътибор қилинадилар. Демак бу ўринда халқ билан давлат ўртасида фарқ йўқ. Шунга кўра инглиз давлати — инглиз халқи,

француз давлати — француз халқи, америка давлати — америка халқи демакдир. Америка халқи ёки Америка XVIII асргача, балки XIX аср бошларигача Европанинг мустамлакаларидан бири бўлган. Уни Европа давлатлари, хусусан Англия мустамлака қилиб олган эди. Америка буюк инқилобини амалга ошириб, у ердан мустамлакачи давлатларни, хусусан Англияни қувиб чиқаргач, мустақил давлат сифатида вужудга келди, сўнг у ўса бошлади ва ниҳоят буюк давлатга айланди. Лекин капиталистик мабдаъ унинг мабдаъи ва капиталистик дунёқараш унинг дунёқараши бўлиб қолди. У европаликлар эътиқод қилган капитализмни қабул қилди ва Европа дунёқараши унинг ҳам дунёқараши бўлиб қолди. Шунинг учун у мабдаъ ва дунёқараш жиҳатидан Европа давлати ҳисобланиб, у билан Франция ёки Англия ўртасида фарқ йўқ. Сўнг Америка бу дунёқарашга раҳнамолик қилиб, уни Европа давлатлари каби ҳимоя қила бошлади. Ҳатто Қўшма Штатлар, яъни Америка президенти Эйзенхауэр шундай деди: «Биз ҳаётдаги йўлимиз, яъни гарб дунёқараши ва капиталистик мабдаъни мудофаа қилиб жанг қилишга тайёрмиз».

Дарвоқе Америка халқи ўз эрки йўлида ва уни ҳимоя қилиб курашди, бунда у қадрли ва нафис нарсаларини аямади. Зеро, бу халқ ҳурриятга ошиқ бўлган ва ҳуррият унинг ақлияти ва таркибининг бир қисмига айланиб қолган эди. Кейин бу халқ тинимсиз ҳаракат ва кураши туфайли ҳаётда ва ўз тажрибасида мислсиз муваффақиятга эришди. Натижада ундан воситаларни тўсиш (прагматизм), яъни бажараётган ишига зид бўлган ҳар қандай фикрлашни ва иш юритишни тарк қилиб, фикри ва кучини фақат бажараётган ишига чеклаш (яъни, ҳақиқатнинг қийматини унинг фойдалилиги билан белгилаш) фикрига қўшимча икки хусусият — «яратувчилик тасавури ва бунёдкорлик хоҳиши» пайдо бўлди. Ушбу амалий фикрга қўшимча мазкур икки хусусият сабабли Америка юксалиш йўлида ҳаракат қилиб бориб, бугунги кундаги буюклигини рўёбга чиқарди. Лекин у капиталистик мабдаъ ва Европа дунёқарашини қабул қилгани сабабли мустамлакачилик ва бошқаларни ўз фойдаси учун ишлатиш унинг фикрлашининг бир қисми ва асосий мақсади

бўлиб қолди. Чунки ғарб дунёқарашида манфаатдорлик ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назар бўлиб, уни Америка ҳам ўзи учун ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назар қилиб олган. Шунинг учун у Англия, Франция ва капиталистик мабдаъни қабул қилган ҳар қандай Европа давлати сингари мустамлакачи давлатдир.

Лекин бу мустамлакачилик жиҳатлари иккинчи жаҳон урушигача одамларга намоён бўлмади. Чунки Америка мустамлакачилик фаолиятини фақат ғарбий ярим шарга чеклаган эди. Америкада ҳукм юритиш капиталистик асосга қурилди ва давлат бойлар ва капиталистларнинг вакили бўлиб қолди. У ўз ҳукмронлигини Жанубий Америка ва ғарбий ярим шарда жойлашган оролларга кенгайтира бошлади. Шундан унинг мустамлакачилиги фақат янги дунёга чекланган эди. Шарқий ярим шар ёки эски дунёда эса, ҳуррият, озод қилиш, заифларнинг қўлидан тутиш ва одамларга ёрдам бериш каби ғоялар кучи билан бутун оламни ўзгартиришга интилаётгани ҳақида хабар берар эди. Шунинг учун Америка эски дунёда яхши ном чиқарди ва унга нисбатан муҳаббат ва улуғлаш пайдо бўлди. Бироқ иккинчи жаҳон урушидан кейин у ҳам бошқа мустамлакачи давлатдан хатари кам бўлмаган мустамлакачи бир давлат экани маълум бўлиб, у ўз ҳақиқатида намоён бўлди. Унда ҳеч қандай янгилик қолмади, балки у яшириб келаётган нарсалар энди сир бўлмай қолди.

Демак Америка сиёсати ўрганилаётган пайтда уни мустамлакачи давлат деган эътиборда ўрганилмоғи лозим. Бунда унинг иккинчи жаҳон урушидан аввалги сиёсати билан ундан кейинги сиёсати ўртасида фарқ йўқ. Иккинчи жаҳон урушидан кейин янги ҳолатлар пайдо бўлиб, унинг сиёсатини кўринишлари, шакллари, восита ва услублари билан бирга ўзгартиришини тақазо этган бўлса-да, лекин бу сиёсатнинг асоси қандай бўлса шундайлигича қолди. Американинг иккинчи жаҳон урушидан олдинги сиёсати ғарбий ярим шарни ҳимоя қилиш асосига қурилиб, унинг мустамлакачилик фаолияти қўйидаги ишларга яъни, капиталистларга суянадиган ва давлатни бойлар ва йирик капиталистларнинг вакили қилишга асосланадиган капиталистик бошқарув низоми бўйича ҳукм юритиш; ҳукмронликни Жанубий Америкага ва ғарбий ярим шарда жойлашган оролларга ёйиш:

ва яна сиёсатида озодлик фикрини ёйиш, заиф халқларга ёрдам бериш, мустамлака қилинган юртларни озод қилиш ва дунёнинг ҳамма томонларида, яъни эски дунёда олий қийматларни ёйиш каби ишларга чекланди. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушларига янги дунёни мудофаа қилиш ва мустамлака қилинган юртларни мустамлакадан озод қилиш учун кирди. Агар Америка биринчи жаҳон урушидан кейин халқларни озод қилиш вазифасини адо қилишга қодир эмаслигини ҳужжат қилиб, ўзининг аслий ҳолатига қайтган ва белгилаган сиёсатини олиб борган бўлса, иккинчи жаҳон урушидан кейин эса ўзининг эски ҳолатига, яъни «америкача ёлғизлик» ҳолатига қайта олмади. Чунки мудофаа шароитлари ўзгариб, бойлар ва йирик капиталистлар олдида эксплуатация қилиш уфқлари очилиб, кенгая бошлаган эди. Шунинг учун у бутун олам билан боғланишга, халқаро сиёсатда иштирок этишга ва бутун олам юкини елкасига олишга мажбур бўлди.

Энди мудофаа жиҳатларига келсак, Америкага хатар Европа давлатлари ичидан бирорта буюк давлат Европа устидан ҳукмронликни қўлга олишидан пайдо бўлар эди. Бу хатар муайян ва аниқ белгиланган бўлиб, уни даф қилиш учун Европа давлатлари орасида кучларни мувозанатлаш ва агар бу мувозанат бузилса ҳарбий аралашув кифоя қилар эди. Аммо иккинчи жаҳон урушидан сўнг Совет Иттифоқи ўзининг қудрати ёки коммунистик фикрати билан Америка учун улкан хатарни ташкил қилувчи давлат сифатида намоён бўлди. Шунингдек Япония иккинчи жаҳон урушида Америкага хатар солганлиги аён бўлди. Хитой ҳам унга келажакда хатар келтириб чиқариши мумкин бўлган кучли коммунистик давлат сифатида пайдо бўлди. Европа эса иккинчи жаҳон урушидан заифлашган ҳолатда чиқди. Шарқий Европани Россия босиб олди. Ғарбий Европа эса ёлғиз ўзи Европадаги мувозанатга таҳдид солаётган Совет Иттифоқи хатарига қарши тура олмайдиган кучсиз ва нотавон ҳолатда эди. Шу билан бир қаторда Европа давлатлари мустамлака қилган давлатларида кўраётган фойдалари капиталистлар ва улкан бойлик эгаларига аён бўлиб қолди ва Америка Европанинг ўзи ҳам Америка учун эксплуатация қилинадиган майдон бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб қолди. Натижада унинг

олдида икки янги ва муҳим омил пайдо бўлди: иккинчи жаҳон урушидан кейин янги ҳолатлар вужудга келтирган «мудофаа омили» ҳамда мустамлака юртларда ва Европанинг ўзида Американинг сўлагини оқизган «эксплуатация омили». Бу икки омил олдида у қайси йўлга юришини билмай ҳайрон бўлиб қолди. Ўзининг ёлғизлик сиёсатига қайтсинми ёки дунё сиёсатида иштирок этсинми? Бундай ҳайронликда иккинчи жаҳон уруши тугагандан то 1947 йилгача бирор қарорга келмасдан, янги вазиятларни ўрганган ҳолда давом этди. 1947 йилда халқаро майдонда қолишга ва бошқа давлатлар билан олам сиёсатида ва уни идора қилишда иштирок этишга қарор қилди. Натижада 1947 йилдан бошлаб Америка сиёсати янги услубга ўтди. Лекин у биринчидан давлатлараро сиёсатда янгилиги, иккинчидан Европа давлатлари қабул қилган мабдаъни, яъни манфаатлар устида курашишни ҳамда шахс билан шахс, давлат билан давлат ўртасидаги алоқа нон талашиш (яъни, ким чаққон бўлса нон ўшанга тегади) каби бўлишини тақазо этадиган капиталистик мабдаъни қабул қилгани ва учинчидан у эски дунёда олий ғоялар, юксак қийматлар ва мустамлакадан озод қилиш фикрларини (ҳолбуки унинг ўзи ҳам мустамлакачи давлат бўлгани учун унинг ҳаракатларида мустамлакачилик зоҳир бўлмаслиги мумкин эмас) тарқатгани сабабидан ўз сиёсатини ижро қилишда ҳайрон бўлиб қолди ва бир неча жиддий хатоларга йўл қўйди. Эллигинчи йиллар давомида ва олтмишинчи йилларнинг бошларигача шу ҳолда давом этди ва бу даврга келиб ўз сиёсатини ўзгартириб, бошқа сиёсатга юрди.

Олтмишинчи йилларгача мудофаа сиёсатида иттифоқлар тузиш сиёсатини тутди ва Россия атрофида иттифоқлардан ҳамда ядроли ва ядросиз ҳарбий базалардан ҳалқа ташкил қилди. Жумладан, Монро доктринасини ғарбий ярим шарни ҳимоя қилиш учун тузгани каби, Туркия ва Грецияни ҳимоя қилиш учун Трумен доктринасини тузди. НАТО ва Жанубий-Шарқий Осиё (СЕАТО) иттифоқларини вужудга келтирди. Совет Иттифоқига қарши тура олиши учун Европага ёрдам бериш мақсадида «Маршалл» лоиҳасини вужудга келтирди. Сўнг ташқи ёрдамлар сиёсатини, кейин коммунизмга бўйсунган халқларни озод қилиш ва ҳарбий-сиёсий

иттифоқларга қўшилмаган давлатлар тутган қўшилмаслик муносабатларини кучайтириш гоёсини вужудга келтирди ва уни қабул қилди. Бу гоёни бутунича Англиядан олди.

Эксплуатацияга нисбатан эса, ташқи ёрдамлар сиёсатини кенгайтириб, мустамлака бўлган кўпчилик давлатларни қамраб олди. Инқилоблар уюштириш, хароб қилиш, вайронагарчиликларни амалга ошириш ва аҳдларни сотиб олиш каби орқаваротдан олиб бориладиган тажовузкорлик сиёсатин фаол сиёсат сифатида қўллади. Бу сиёсатни бир неча мамлакатларда олиб борди. Бу билан Америка ғарбий ярим шар ташқарисида улкан мудофаа масъулиятларини, шунингдек Европа, Осиё ва Африкада иқтисодий масъулиятларни ўз устига олди. Бу ғарбий ва сиёсий масъулиятларни кўтаришга рози бўлиб, ўз сиёсатида ҳеч бир чарчоқ ва заифлик нималигини билмайдиган ғайрат ва куч билан ҳаракат қилди ва унга жуда киришиб кетди.

Лекин у бу сиёсатда бирор жойда муваффақиятга эриша олмади. Узоқ Шарқда муваффақиятга эриша олмагани каби Ўрта ёки Яқин Шарқда ҳам, Европада ҳам, Африкада ҳам муваффақиятсизликка юз тутди. Боши берк кўчаларга кириб қолиб, жиддий хатоларга йўл қўйди ва тўғри йўлни тополмай қолди. Буларнинг барчаси уни бу сиёсатни ўрганиб чиқиш ва янги сиёсатни белгилашга мажбур қилди. Шундай қилиб Америка 1961 йилдан ҳозиргача мана янги сиёсатини олиб бормоқда.

Бунга асосий сабаб аввало Англиянинг Америкага ва унинг сиёсатига кўрсатган муносабатига, иккинчидан Франция, кейин Осиё, Африка ва ҳатто Европадаги бошқа халқларнинг кўрсатган муносабатига бориб тақалади. Бундай дейишимизга сабаб Англия ўзи билан Америка ўртасидаги хос алоқалар ёрдамида Америка, Франция ва Европадаги бошқа давлатларни коммунистик дунё озод дунёга ва ғарб дунёқарашига хатар туғдираётгани ва таҳдид солаётганига ишонтира олди. Бу билан халқаро сиёсат — олам икки лагерь: Россия бошчилигидаги коммунистик лагерь ва Америка бошчилигидаги капиталистик лагерь ёки озод дунёдан иборат, деган асосга қурилди ва шундай қилиб Америка устига озод дунёни ҳимоя қилиш масъулиятини

юклар қўйиб, Россия ва коммунизм учун уни тўғаноқ қилиб қўйди. Кейин Россия билан Америка ўртасида — икки лагер ўртасидаги совуқ уруш тўнини кийган — совуқ уруш ўтини ёқди. Натижада Америка Корея урушига аралашиб қолди ва бу урушни ўз елкасига олди. Бу уруш икки лагер ўртасидаги уруш бўлишига қарамай Англия Америкага қарши Хитой ва Россия фойдасига махфий ишларни амалга оширди. Сўнг Американи қийин аҳволга тушириб қўйиш ва заифлаштириш учун турли ишларни амалга оширишга урина бошлади. Бу ишлар Американи доводиратиб қўйди. Америкада кризислар бошланиб, у қийин аҳволга тушиб қолди. Натижада Берлин ва Женева конференциялари каби олий даражадаги конференциялар бўлиб ўтди. Россияга қарши вужудга келтирилган «шимолӣ ҳалқа»да Ўрта Шарқ мудофаа иттифоқи тузиш борасидаги Англиянинг уринишларини барбод қилиш мақсадида Англия «Бағдод пакти (шартномаси)» ни тузди. Германия атрофида ва Фарбий Европа атрофида шиддатли курашлар бўлди. Англия Африкадаги Конго, Шимолӣ ва Жанубий Родезия ва бошқа мамлакатларда Америка йўлига ғовлар барпо қилди. Худди шунга ўхшаш ғовларни Фаластин, Шарқий Йордания, Сурия, Миср каби Ўрта Шарқ мамлакатларида ҳар барпо қилди.

Францияга келсак у инглизларнинг шиори охириги француз аскарлари қолгунча урушиш эканини ва Америка «Маршалл» лойиҳаси орқали бутун Европани ўзига тобе қилиб олганини, Франция ҳам Европа давлатларидан бири бўлгани учун у ҳам Америкага тобе қилиб қўйилганини билар эди. Французлар ўзларининг буюк ва улугликларини ҳис қилар ва тарихларини қайта тирилтиришни хоҳлар эдилар. Шунга кўра улар Америкадан ҳам, Англиядан ҳам ажраш ва хусусан Европа давлатларига етакчилик қилишга уриниш зарурлигини, «Маршалл» лойиҳаси Америка Европага ўз ҳукмрончилигини ёйиши учун васила бўлишига қарамай, Европани тирилтириб, оёққа турғизганини ҳис қилган эдилар. Шунинг учун Франция аниқ йўл топа олмаган ва Америка зулмидан қутилишга уринган ҳолатда юрди. Ниҳоят Де Голл келиб ўзининг янги сиёсатини бошлади ва Францияни амалда Америкадан ажратиб олди. Англия олдида ўзини тенг мавқеда

тутди. Америка ва Россия ўртасида Англия эмас, Европа учунчи куч бўлишига урина бошлади. Сўнг Россияга яқинлашишга ҳаракат қила бошлади. Бу билан Американинг Европадаги ва Россияга нисбатан тутган ўрни заифлашди.

Франциянинг муносабати ва Англиянинг Европадаги ўйинлари, шунингдек «Маршалл» лойиҳаси сабабли Англиядаги ва Европадаги ҳолат буткул ўзгарди. Яъни иккинчи жаҳон урушидан кейин мустақил Умнат бўлиб қолишга қурби етмаган ва Россия супириб ташлашига нишон бўлиб қолган ҳамда Совет Иттифоқи осонликча ютиб юборишига яқин қолган Европа хусусан Англия, Франция ва Италия Американинг ёрдамлари туфайли давлат ва Умнат бўлиб оёққа турдилар ва кучайиб олдилар. Сўнг сиёсий майдонда Америкадан беҳожат бўлиб, ундан узоқлаша бошладилар. Европадаги иқтисодий майдондан ҳам Американи супуриб ташлашга ҳаракат қила бошладилар. Ҳарбий майдон эса ноаниқ ҳолатга тушиб қолди.

Булар умуман Европага ва хусусан Англия ва Францияга нисбатан хулосалардир. Энди Осиё ва Африкадаги мустамлака қилинган халқ ва миллатларга тегишли ҳолатларни баён қилайлик. Американи мустамлака қилинган ерларни озод қилиш ва уларни мустақил давлатларга айлантиришдаги сиёсати у билан мустамлакачи давлатлар ўртасида шиддатли курашларга олиб борди. Бу халқларнинг аксари ҳарбий ҳукмронликдан озод қилингандан кейин ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлик кўринишидаги мустамлакачилик энди сиёсий ва иқтисодий кўринишга айланди. Лекин бу халқларнинг кўпчиллиги Англия ва Франция соясида қолди. Америка бу халқлардан озроқ қисмига ҳукмронлик қилишга муваффақ бўлди холос. Масалан, Жазоир, Тунис ва Марокаш Франциядан озод бўлган бўлсада, лекин Англиянинг ҳукмронлиги остига тушиб қолди. Адан, Суматра ва Малайя ороллари ҳарбий жиҳатдан, озод бўлган бўлсада, иқтисодий ва сиёсий жиҳатлардан Англияга мустамлака бўлиб қолаверди. Шундай қилиб халқ ва миллатларнинг аксарида уларни мустамлакачилик исканжасидан батамом озод қилишда ҳам, уларни Америка қўл остига ўтказишда ҳам Америка сиёсати муваффақиятга

эришмади. Фақат қўлидан кетай деб турган Миср, Сурия ва Судан каби жуда ҳам оз жойлардагина муваффақиятга эришди. Кейин қўшилмаслик сиёсати кулгили саҳнага айланди. Ҳатто Англия ва Франция нуфузи яққол кўриниб турган давлатлар ҳам ўзларини қўшилмаган ва қўшилмаслик тарафдори бўлган давлатлар деб эътибор қила бошладилар.

Бу билан Американинг Европа, Осиё ва Африкада олиб борган сиёсати охир оқибат муваффақиятсизликка юз тутди. Натижада на мустамлака қилинган халқларни мустамлакачи давлатлар қўлидан чиқариб олиб, ўзига мустамлака қилди ва на бу давлатларни мустамлака сиртмоғидан озод қила олди. Европани Совет Иттифоқи ва шарқий лагерь йўлига тўсиқ қилмоқчи эди, лекин Европа, хусусан Англия ва Франция Америкага қаршилик қиладиган ва у билан рақобатлашадиган давлатларга айланиб қолди. Американинг кучи бўлишдан бош тортди, балки Америка билан бир сафда ғарбий лагерь бўлишдан бош тортди.

Американи Россияга қаратган сиёсати ҳам икки сабабга кўра муваффақиятсиз бўлди. Биринчи сабаб, Россиянинг вазияти ва сиёсатининг ўзгариши бўлса, иккинчи сабаб, Америкага иттифоқдош давлатларнинг кирган иттифоқларига ва Америкага холис эмасликлари эди. Биринчи сабабнинг тафсилотларига келсак улар қуйидагилардан иборат: Россия атом ва водород бомбаларини ишлаб чиқди ва ядровий қуруллар борасида олдинга ўтиб олди. Қитъалараро ракеталар соҳасида ҳам Америкадан ўтиб кетди. Бу билан икки лагерь, аниқроғи икки давлат ўртасидаги ҳарбий куч мувозанати тубдан ўзгарди. Авваллари Америка атом қуролида Россиядан олдинда бўлса, энди Россия унга бу қурулда тенглашиб олди, гарчи баъзи жиҳатларда ундан ўтиб кетмаган бўлса ҳам. Бу вақтга келиб «кучлар мувозанати» «қўрқитиш мувозанати»га айланди. «Атом хавфсизлиги» ўрнига «атом хавфи» келди. Америка ва Россиянинг қудрати оммавий атом урушида бири-бирини вайрон қилиш жиҳатидан тенглашди. Бундан ташқари Россия НАТО шартномасига қарши Варшава шартномасини тузди. Кейин бошқа шартномаларга ҳужум қила бошлади, ҳатто уларнинг аъзоларида бу шартномаларга бўлган ишончларини сусайтирди. Халқлар эътиборига бу

шартномаларни ҳақорат, уят ва ғарб мустамлакачилигини абадийлаштириш, деб кўрсатди. Бу шартномалар ўз эгаларига хатар туғдира бошлади. Уларни атом уруши оқибатларидан ва ўз навбатида бу шартномаларнинг оқибатларидан қўрқиш туйғуси қуршаб олди. Шундай қилиб бу шартномалар ўз қийматини йўқотди ва Американинг мудофаачилик сиёсатида фойдасиз бўлиб қолди.

Бундан ташқари Совет Иттифоқининг сиёсати тубдан ўзгарди. Аввалда бу сиёсат ҳарбий таҳдидларга суянган бўлса, энди сиёсий ишларга суяна бошлади. Билвосита ва бевосита ҳарбий таҳдидлар услубидан воз кечиб, Совет Иттифоқининг устунлиги услубини ва коммунистик бўлмаган оламда Совет Иттифоқининг техникавий ва иқтисодий жиҳатдан эришган ютуқларини восита қилиб коммунизмни сингдириш услубини қўллай бошлади ва иқтисодий ва ҳарбий ёрдамлар сиёсатини бошлаб юборди. Коммунистик бўлмаган оламни Совет Иттифоқи нуфузига бўйсундириш йўлида шу сиёсатга суянди. Европага муносабати эса қуйидагича бўлди: Шарқий Европани ўз чангалида қаттиқ тутди ва унинг аҳлига Американинг коммунизмга бўйсунган халқларни озод қилишдаги сиёсати муваффақият топмаганини ҳис қилдирди. Англияга яхши муомала қилиб, Франция билан алоқалар ўрнатишга, ҳаракат қила бошлади. Ғарбий Берлин ва Ғарбий Германияни заифлаштиришга уринди. Олтмишинчи йиллар бошланмасдан Россиянинг қудрати жуда ҳам ортди ва оламга, хусусан Америкага бўлган хатари эътиборга лойиқ бўлиб қолди.

Бу билан Америкага тузган сиёсатининг хатолиги яққол кўринди ва у бу сиёсатда давом этиш хатарли эканини англади. Шундан сўнг янги сиёсат ишлаб чиқди. Бу ўзгариш Эйзенхауэрнинг охириги вақтларига тўғри келди. Сўнг бу сиёсатнинг бунёдкори Долс вафот этди. Натижада Америка вазиятни ўрганиш ва янги сиёсат ишлаб чиқишда айтарли олдинга силжимасди. Бу ҳолат то Жон Кеннеди АҚШга президент бўлгунча давом этди. У келиб Америкаликлар фикр қилаётган бу янги сиёсатни қабул қилди ва унга тиниқ изоҳ берди. Сўнг Россия билан Эйзенхауэр даврида бошланган махфий алоқаларни мукамаллаштиришга киришди. 1961 йил

июнь ойида Хрущёв Кеннеди билан учрашди ва Россия билан Америка ўртасида яширин келишувлар тузилди. Шу даврдан бошлаб Америка дунёда аввалги сиёсатдан бошқа бўлган янги сиёсатга қадам ташлади.

Бу сиёсат ва Россия билан Америка ўртасида тузилган яширин келишувлар махфийлигича қолгани сабабли у ҳақда тафсилот бериш ёки уни умумий тарзда баён қилиш қийин эди. Бунга унинг яширинлиги ва мақсадларини ошкор қилмагани сабабдир. Лекин бу икки давлат (Россия ва Америка) шартномаларни ижро этишда бир қанча амалий қадамлар ташладики, бу қадамлар халқаро вазиятни икки лагерь ҳолатидан икки давлат ҳолатига ҳамда Америка ва Россия ўртасида адоват ҳолатидан бир-бирига яқинлашиш ҳолатига кўчирди. Ҳатто бу яқинлашув АҚШ давлат раиси Никсон 1972 йил май ойида Москвани зиёрат қилганидан сўнг очиқ дўстлик даражасига кўтарилди. Шундан сўнг Американинг янги сиёсатини ёритиш ва баён қилиш мумкин бўлиб қолди.

Маълумки Американинг дунёда олиб бораётган сиёсати икки ишга асосланади. Биринчиси, Америкага таҳдид соладиган ёки солиши мумкин бўлган ҳар қандай хатардан уни ҳимоя қилиш, иккинчиси, халқ ва миллатларни Америка манафаатлари учун эксплуатация қилиш. Бу икки асосга бирорта ўзгартириш киритилишининг ҳам ва Америка сиёсати улардан бошқа асосга қурилишининг ҳам эҳтимоли йўқдир. Шу асосдан келиб чиқиб ҳамда юз берган ҳодисаларни ва Америка қўллаган услубларни мулоҳаза қилиб, унинг янги сиёсати қуйидагича бўлиб қолганини кўрамиз:

1. Мудофаачилик сиёсатида ҳар қандай бошқа қувватни ҳисобга олишдан юз кечди ва унинг мудофаачилик сиёсати ёлғиз ўзига ва фақат ўз қувватига суянадиган бўлди. Шундан сўнг шартнома, келишув ва ҳарбий иттифоқлар гўё бўлмагандек бекор қилинди. Ҳарбий базаларнинг ҳаммасидан воз кечди. Бунга сабаб Европада мувозанатни бузаётган давлатга, яъни Россияга нисбатан сиёсати душманчилик эмас, дўстлик сиёсатига айлангани эди. Энди унга зарба бериш ва хатарини тўсишга зарурат қолмади, балки Россия иттифоқни бузган тақдирда Америкага ўзини ҳимоя қилиш учун имкон

берадиган мудофаа вазиятларини вужудга келтиришга чекланилди. Яъни Америка мутлақ хавфсизлик сиёсатидан нисбий хавфсизлик сиёсатига ўтди. Шунга кўра икки давлат ўртасида кучлар мувозанатини сақлаш учун бирини иккинчисига уруш очишга имкон берадиган қуроллар атрофида музокаралар бошланди ва давом этмоқда. Американинг мудофаачилик сиёсати ўз кучлари билан Россия бошчилигидаги коммунистик давлатларнинг кучлари ўртасида мувозанат пайдо қилиш бўлиб қолди. Европа давлатлари ўртасида ҳам кучларни мувозанатлаш ва Осиё давлатлари ўртасида ҳам кучларни мувозанатлаш сиёсатини тарқ қилди.

2. Россиянинг кенгайиши ёки Хитойнинг кенгайишини тўсишга алоқадор сиёсатидан воз кечди. Американинг кенгайиши мумкин бўлган ва Россиянинг кенгайиши мумкин бўлган минтақаларни ва Американинг кенгайиши мумкин бўлмаган ва Россиянинг кенгайиши мумкин бўлмаган минтақаларни белгилаб қўйди. Бу билан Россия ўртасида ҳалокатли шахмат ўйинига кирди. Чунки Россия кенгайишга ҳаққи бўлмаган минтақага кенгайса, у билан Америка ўртасида, шунингдек Америка ҳам ҳаққи бўлмаган минтақага кенгайса, у билан Россия ўртасида уруш хавфи пайдо бўлар эди. Аммо Америка ва Россиянинг ҳар бирининг мумкин бўлган минтақаларда кенгайиши розилик билан ёки спорт мусобақасига ўхшаб амалга ошади. Бу ҳам уларнинг ораларида тўқнашувга, бу тўқнашув эса тортишув ёки жанжалга олиб бориши, балки икки баҳайбатнинг ўртасида урушга олиб бориши мумкин. Шу сабабдан Американи бу ўриндаги янги сиёсати ҳалокатли шахмат ўйини деб эътибор қилинади. Бу даврга келиб Америка билан Россия ўртасида атом уруши чиқиши эҳтимоли Американинг аввалги сиёсатидагидан кўра кучайди. Чунки давлатларнинг мувозанати ёки халқаро мувозанат сиёсати икки давлат ўртасида кучлар мувозанати сиёсатидан кўра урушдан сақланиш учун ҳамда икки давлат ўртасида «спорт мусобақаси» сиёсати сабабли тўқнашув чиқиши омилларини бартараф этиш учун кўпроқ мувофиқ келар эди.

3. Америка ядровий қуролларга фақат ўзи ва Россия эга бўлиши сиёсатини олиб борди ва бошқа давлатларни бу

қурулларни ишлаб чиқаришдан ман қилишга ҳаракат қила бошлади. Яъни Россиядан бошқа кучнинг хатаридан сақланиш учун Европа ёки коммунистик давлатлар ичида ўсиши унга хатар туғдирмайдиган ҳар бир давлатга зарба бериш қондасини қабул қилди. У Хитойни, шунингдек Англияни кенгайтиш ва қудрати ортишидан ман қилишга ҳаракат қилди. Шундай қилиб бошқа давлатлар Америкага хатар туғдирмайдиган ҳолатда туриши Американинг мудофаачилик сиёсатининг бир қисмига айланди.

Дунёдаги ҳарбий базаларни, жумладан Англия ҳарбий базаларини йўқотиш, ҳар бир халққа истиқлолни бериб, уни тўла мустақил давлат қилиш орқали мустамлакачиликни бекор қилиш, дунёнинг қайси минтақасида бўлмасин ўзи ва Россиянинг ҳукмронлигидан бошқа ҳар қандай сиёсий ва иқтисодий ҳукмронликка қарши курашиш ушбу сиёсатга амал қилганидан ёки ушбу сиёсатнинг меваларидандир. Ҳар қандай давлатнинг ҳаётий фаолият майдонини маҳдуд доирага чеклаш, иқтисодий майдонни тижорат, саноат ва деҳқончилик каби халқаро қонунга мос келадиган ва рухсат берилган ишларга чеклаб қўйишга уриниш, ҳар қандай давлатнинг сиёсий фаолият майдонига — у қаерда пайдо бўлмасин — зарба бериш, ўзи ва Россия ўртасида келишилган минтақаларни истисно қилган ҳолда ҳар бир жойда ажнабийларнинг нуфузини қўпориб ташлаш ва уни вужудга келишини ман қилиш, буларнинг барчаси ушбу сиёсатнинг меваларидир.

4. Дунёда қурулсизлантирилган (демилитаризация қилинган) минтақаларни пайдо қилиш ва ундаги мавжуд давлатларга фақат ички хавфсизликни таъминлаш ва чекланган мудофаа учун лозим бўлган қуруллар билан қурулганишга имкон бериш, қуросизлантирилган минтақалардан ташқаридаги баъзи давлатларнинг ҳам қурулганишларини чеклаб қўйиш ва бошқа давлатлар учун қурул сотишга оғир шартлар қўйиш, буларнинг барчаси Америкага таҳдид соладиган ҳар қандай кучни ман қилиш сиёсатига кирса ҳам, булардан Россияга Германия ва Ўрта Европа давлатларидан, Америкага эса Япония ва Узоқ Шарқдан келадиган хавфнинг олдини олиш ҳам кўзда

тутилган.

Булар Американинг мудофаачилик сиёсатига тааллуқлидир. Унинг эксплуатация қилиш сиёсатида, аниқроғи мустамлакачилик сиёсатида эса фақат Европага нисбатан ўзгариш бўлганини кўриш мумкин. Зеро, «Маршалл» лоиҳаси ниҳоясига етди. Европа давлатларининг Америкага эҳтиёжи қолмади. Ҳатто унга қарши туриб Европадан қувиб чиқаришга урина бошладилар. Лекин Америка Европага кўрсатаётган ёрдамларини, яъни уни кучайтириш учун бераётган ёрдамларини энди уни эксплуатация қилиш мақсадларига қаратилган келишувларга алмаштирди. Бу эса унинг тижорат, саноат ва пулга оид сиёсатларида намоён бўлди. Европа ва Америка давлатлари ўртасида иқтисодий жиҳатдан кураш ўзининг энг юқори нуқтасига етган бўлсада, бироқ Америка Европага иқтисодий ҳукмронлигини ўтказишга уриниб келмоқда. Зеро, Америка доллари Европа устидан пул ҳукмронлигини ўрнатишга қодир бўлиб келмоқда. Америка тижорати Европада ривожланмоқда Европа корхоналари хануз Америка таъсиридан чиқиб кетаолмаяпти.

Аммо Осиё ва Африкага нисбатан эса Америка сиёсати айнан мустамлакачилик сиёсати бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат қуйидаги ишларда намоён бўлади:

Биринчиси, мустамлакадан озод қилиш сиёсати. (Бу сиёсат мустамлака қилинган мамлакатларни озод қилишни ва уларни мустақил давлатларга айлантиришни тақозо этади). Кейин бу мамлакатларга малай ҳокимлар орқали, улар хоҳ ўз малайлари бўлсин, хоҳ мустақиллик берган мустамлакачи давлатнинг малайлари бўлсин, улар орқали ўз нуфузини ўтказиш сиёсати. Американинг Адан, Форс кўрфазидagi шайхликлар ва Шимолий Африкада қилган ишлари бунга яққол далил бўла олади. Зеро, Миср ва Судан ҳокимлари ўз малайларидан бўлса, Кўрфаз шайхликлари ва Адандаги ҳокимлар у ерларни мустамлака қилган давлат, яъни Англиянинг малайларидир. Марокаш, Тунис ва Ливия ҳокимлари бу давлатларни мустамлака қилган давлатдан бошқа давлатнинг малайларидир. Шунга қарамасдан Америка мазур мамлакатларга киришга ва ёлғиз ўзининг сиёсатини

ўтказишга ҳаракат қилмоқда, гарчи унинг ишлари Ливиядан кўра кўпроқ Мисрда муваффақият қозонган бўлса ҳам.

Иккинчиси, иқтисодий ёрдамлар. Улар ҳар хил бўлсада, кўзланган гоё битта, у ҳам бўлса ёрдам олаётган давлатни қашшоқлаштириш ва уни Америкага боғлаб қўйишдир. Бунда ёрдамлар қашшоқлаштириш ва ёрдам берилаётган мамлакат устидан иқтисодий ва сиёсий ҳукмронликни ўрнатиш учун восита бўлади. Қарзлар ва ривожлантириш учун берилаётган ёрдамлар ва бошқа шу каби нарсалар айнан ана шу гоёга олиб боради. Ёрдам олган мамлакатни қашшоқлаштириш ва унга иқтисодий ва сиёсий ҳукмронликни ёйиш учун хизмат қилади.

Учинчиси, ҳарбий ёрдамлар. Бу ёрдамлардан икки нарса кўзда тутилади. Америка корхоналари учун бозорлар очиш ва ёрдам берилган мамлакатнинг молини темир-терсақдан бошқага ярамайдиган қурол-яроққа беҳуда сарфлаш. Бу ёрдамларнинг хатари мамлакатни доимий нотинч ҳолатга тушириб қўйишда намоён бўлади. Бу эса Яқин ва Ўрта Шарқда бўлаётганидек узлуксиз қурол-яроғ келтириб туриш учун доимий тарзда сунъий урушларни келтириб чиқариш билан ёки қўпориш ва вайрон қилиш ҳаракатларини вужудга келтириш билан бўлади. Бу ишлар натижасида мамлакатни қашшоқлаштириш ва молини беҳудага сарфлаш билан бирга уни тартибсизлик ва изтироблар гирдобига тушириб қўйилади. Агар иқтисодий ёрдамлар иқтисодий ва сиёсий ҳукмронликни ёйишга олиб келса, ҳарбий ёрдамлар эса бунга қўшимча, ёрдам берилаётган мамлакатни қашшоқлаштиришга ва уни тартибсизлик ва изтироб ҳолатига тушиб қолишига олиб келади.

Тўртинчиси, ишлаб чиқариш корхоналари. Улар нефть корхоналари каби айнан Америка корхоналари бўлсин, ёки унга тобе бошқа давлатлар — Германия, Япония ва Италия билан тузилган қўшма корхоналар бўлсин ёки унга рақобатда бўлган Англия ва Франциянинг қўшма корхоналари бўлсин, бу корхоналар Америка учун мамлакатда иқтисодий ва сиёсий ҳукмронликни ўрнатади. Шунингдек одамларни, мамлакатларни Америка ширкатлари ва бойлари учун ишлатишга восита бўлади.

Бешинчиси, сиёсий ва фикрий чалғитиш. Сиёсий чалғитиш икки ишда кўринади. Биринчиси: миллатчилик ва ватанпарварлик ниқоби остида, яъни мустамлакачиликка қарши кураш ниқоби остида мақсадини ўз малайлари қўлида рўёбга чиқариш. Бу Миср, Конго, Индонезия ва бошқа жойларда юз берган ҳаракатларда яққол намоён бўлди. Иккинчиси: Америка ерли халқ манфаати учун амалий ишлар қилади. Масалан, Қоҳира, Байрут ва Анқарадаги Америка университетлари, денгиз сувини чучуклаштириш ва сув лоиҳалари ва бошқалар шулар жумласидандир. Фикрий чалғитишга келсак, Америка асосан озодлик ва социализм мафкураларидан фоедаланиб, «озод қилиш», «социализм» ва «ривожланиш» фикрлари билан одамларни машғул қилди. Уларни турли фикрлар тарафида туриб ўзаро урушадиган гуруҳларга бўлиб юборди. Бу билан уларни ривожланиш ва тараққиётнинг ҳақиқий йўлидан буриб юборди. Шунинг учун озодлик, социализм ва ривожланиш фикрлари Америка мустамлакачилик сиёсатида қўллаган энг муҳим воситалар ҳамда бошқа мамлакатлар учун эса энг хатарли ишлар бўлди. Социализмни кўтариб чиқаётган давлатларга бир назар ташлаш бу фикрлар мамлакатларнинг қолоқлиги ва йўлини топа олмасдан адашиб юришида қандай таъсир кўрсатганини билиш учун кифоя қилади.

Мана шулар Американинг Осиё ва Африкага нисбатан олиб бораётган сиёсати, яъни булар халқларни эксплуатация қилишда Америка олиб бораётган сиёсат, яъни Американинг мустамлакачилик сиёсатидир. У жуда махфий ва жирканч сиёсат бўлиб, халқларни ўзида ихтиёр қолмайдиган аҳволга солиб, мустамлакачилик чангалига тушириб қўяди. Ҳатто улар Америка ҳукмронлиги остига киришга худди капалак ўтга интилгандек интилиб қоладилар. Шунинг учун унга қарши курашиш мустамлакачиликнинг бошқа сиёсатларига қарши курашишдан мушкулроқдир. Лекин бу сиёсатларнинг ҳақиқати тушунилса, шу билан бирга унинг янги мудофаачилик сиёсати тушунилса, ана шундагина Американинг мустамлакачилик сиёсатига зарба бериш, қолаверса унинг барча сиёсатига зарба бериш мумкин бўлади. Ана шундагина Американи бутунлай хайдаш ва эски ҳолига

қайтариш, қолверса мустамлакачи давлат сифатида бирор таъсири ва аҳамиятини қолдирмайдиган қилиб ҳал қилувчи зарбани бериш мумкин бўлади.

ФРАНЦИЯ СИЁСАТИ

Франциянинг асосий сиёсати буюклик сиёсатидир. Мана шу омил Франциянинг барча сиёсий ишлари учун асосдир. Бинобарин у олиб бораётган сиёсий ишлар ушбу буюклик асосига қурилади. Унинг мустамлакачилик фаолиятини буюклик сиёсати ҳаракатга келтиради. У мустамлака қилиш ва босиб олишга киришган вақтида буюклик сиёсати асосида ҳаракат қилади. Мустамлакаларидан воз кечишга шошилмаган ва қарши чиққан вақтида уни бунга буюклик сиёсати ундаган эди. Францияни Германия босиб олганига ва у бу босқиндан заиф аҳволда чиққанига қарамасдан, ўз вужудини янгидан бино қилиш ҳаракатига тушди ва яна буюк давлат бўлишга интилди. Бу ишларни ҳам буюклик сиёсатига биноан олиб борди. Франция Англия ва Америкадан ўз вужудини қайта бино қилиш учун ёрдам сўрашга уринганда ҳам, Англияга рақобат қилишни ва Америкага зид фаолият олиб боришни бошлаганда ҳам бу сиёсати талабига мувофиқ ҳаракат қилган эди. Демак буюклик сиёсати унинг асосий сиёсатидир.

Иккинчи жаҳон урушидан олдин ва кейин Франция икки иш билан машғул бўлди. Бири, Европадаги вазияти, иккинчиси, императорлик вазияти, яъни ўз мустамлакаларини сақлаб қолиш вазияти. Географик вазиятига келсак, у Европадаги географик ўринга кўра доим Германиядан қўрқар ва Англияни ҳам ҳисобга олмай иложи йўқ эди. Шунинг учун унинг хавотири шу икки давлатдан эди. У Германиядан Франция чегараларига бостириб келишидан, Англиядан эса Европага ҳукмрон бўлиб олишидан қўрқарди. Шунинг учун ҳамма ишлари ва сиёсатларини чегараларини ҳимоя қилиш ва Европада кучлар мувозанатини сақлаб қолиш асосида олиб боради. Франциянинг Европадаги сиёсати шу икки асосга, яъни чегараларини ҳимоя қилиш ва Европанинг етакчиси бўлишга интилиш асосига қурилган. Энди Франциянинг императорлик вазиятига келсак, Франция дунёда қадимдан босиб олиш ва мустамлака қилиш ҳаракатларини олиб борган. Натижада у Осиёда Сурия ва Ливан, Африкада Шимолий Африка ўлкаларини, Сенегал, Сомали, Гвинея ва бошқа

давлатларни, Узоқ Шарқда эса Ҳиндихитой давлатларини мустамлака қилди. Иккинчи жаҳон уруши бўлиб, Франция ундан вайрон бўлган ҳолда чиққач, Англия ва Америкадан мустамлакаларини сақлаб қолиш учун ёрдам олишга урина бошлади. Мустамлакадан озод бўлиш фикри тарқалганига ва мустамлака мамлакатларни озод қилиш БМТнинг бош сиёсати бўлиб қолганига қарамасдан Франция мустамлакаларини қўлдан бермасликка қаттиқ ҳаракат қилди. Охири у мустамлакаларидан куч ва халқаро босим ёрдамида чиқариб ташланди. Шунга қарамасдан Франция буюклик сиёсати ортидан юргани учун унинг сиёсати ҳануз икки асосий омилга, асосланмоқда. Улар: Франциянинг халқаро вазияти, яъни унинг Европадаги вазияти ҳамда императорлик вазияти, яъни мустамлакаларига нисбатан вазияти. Демак Франция буюклик сиёсатида юришда давом этмоқда.

Франция мустамлакачи давлат бўлсада, Англия ва Америкадан фарқ қилади. Англияда аслзодалар тоифаси ҳақиқий ҳукмрондир, гарчи улар ҳақиқий ҳукмронликни аслзодалар қўлида сақлаб қолиш учун умумхалқлик ва афкори омма филофига ўралиб олган бўлсалар ҳам. Англияда мустамлакачилик жиҳати моддий эксплуатация қилишдан иборат. Бу эксплуатация фақат буюклик учун эмас, балки халқларнинг қонларини сўриш ва мустамлака қилинган мамлакат бойликларини талон тарож қилиш учун ҳамдир. Англия фикрий ва илмий жиҳатлар билан шуғуллансада, бироқ улар билан мустамлака қилиш учун, яъни ҳукмронлик учун, хусусан сиёсий ҳукмронликни вужудга келтирадиган иқтисодий ҳукмронлик учун қурол сифатида шуғулланади. Америкада эса ҳокимиятни капиталистлар ва катта бойлик эгалари бўлган ширкатлар ва шахслар бошқаради. Ҳокимлар ким бўлишидан ва қайси партиядан келганидан қатъий назар шу вазифани адо этади. Бу бошқарувни умумхалқлик филофи билан ўраш ва унга афкори омма орқали етишиш Америка ўз тақдирини белгилаган ва ҳозир ҳам белгилайдиган халқлардан ташкил топганлигидан келиб чиққандир. Лекин капиталистик мабдаъ Америка халқининг мабдаъи эканлиги ва капиталистларнинг маҳорати бу афкори омма ҳокимият тепасида фақат капиталистларнинг вакиллари бўлишига қарор

қилишини таъминлади. Шунинг учун Американинг мустамлакачилик сиёсатида эксплуатация қилиш жиҳатлари, яъни ҳукмронликни, хусусан сиёсий ҳукмронликни вужудга келтирадиган иқтисодий ҳукмронликни ўрнатишдан иборат бўлган мустамлакачилик жиҳати яққол кўриниб туради. Америка гарчи фикрий ва илмий жиҳатлар билан шуғулланса ҳам, бироқ улар билан эксплуатация қилиш учун қурол сифатида шуғулланади. У гарчи Америка шарафини, Америка буюклигини пайдо қилиш учун иш олиб борса ҳам, лекин бунини моддий эксплуатация, яъни халқларнинг қонларини сўриш ва бойликларини талон тарош қилиш мақсадларига йўналтиради. Франциянинг сиёсати эса буюклик сиёсатидир. Буюклик гарчи моддий қудрат ва иқтисодий бойлик билан вужудга келса ҳам, лекин бунда мустамлакачилик жиҳати фақат ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий ҳукмронликни ўрнатишнинг ўзига чекланмайди, балки Франция буларга яна сақофий ҳукмронликни ҳам қўшади. У сақофий ва фикрий ҳукмронликни қўлдан бермасликка ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий ҳукмронликлардан кўра кўпроқ эътибор беради. Шунинг учун у куч ва сиқув остида ҳарбий ҳукмронликдан воз кечишга мажбур бўлганида иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлигини қўлдан бермасликка ҳаракат қилди. Куч ва халқаро сиқув ёрдамида мустамлакаларидан чиқариб ташланганда сақофий ва фикрий ҳукмронликни қўлдан бермасликка ортиқ даражада эътибор беришда давом этди. Шунинг учун у мустамлакалари бўлган давлатлар билан сақофий алоқаларини сақлаб қолишга ҳаракат қилиб келмоқда. Бинобарин сақофий ҳукмронлик француз мустамлакачилигининг асосидир. Бунга сабаб, Франция ўзини бутун дунёда сақофатининг асоси деб ҳисоблайди. У XIX асрда олам сақофатга қараб кетаётганида Франция сақофий оламининг маркази бўлган деб билади. Шунингдек француз фикри сиёсат, фан, адабиёт ва таълим тарбиялари орқали ҳамма жойга тарқалган, француз қўзғолони оламда озодлик фикрини пайдо қилган ва Наполеон аскарлари бу фикрни Европа, Миср ва бошқа жойларга олиб борган, Европа ва Лотин Америкаси халқлари Наполеоннинг қонунидан фойдаланган, француз тили халқаро конференцияларда

ҳукмрон тил бўлган ва ҳар бир илм ўрганувчи учун иккинчи она тили бўлиб қолган, Франция файласуфлари, мутафаккирлари, олимлари ва адиблари бутун дунёда инсоний ва илмий маърифат йўлбошчилари бўлиб намоён бўлганлар деб биледи. Шунинг учун сақофий жиҳат Франциянинг энг қимматбаҳо меросидир. Шу сабабли Франциянинг олам билан бўлган сақофий алоқалари энг муҳим алоқалардир. Унинг куч ва ҳужум жиҳатидан аҳамияти ҳарбий кемалар, қўшинлар ва катта бойликлардан кам эмас. Сақофий жиҳат француз бойлигидаги, француз ҳужумидаги ва француз мустамлакачилигидаги асосий бойликдир. Оламда Франциянинг бу сақофий алоқаларини ўчириб ташлаш учун етарли асос пайдо бўлди. Шунга қарамасдан у бу алоқаларни маҳкам ушлаб, қўлдан бой бермасликка ҳаракат қилиб келмоқда. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Франция иқтисодий ва сиёсий жиҳатлардан урушдан олдинги ҳолатига қараганда заифлашиб кетганига, бошқа тиллар, масалан ингилиз тили конференциялар ва халқаро музокараларда француз тилининг ўрнини тортиб олганига ҳамда мустамлакаларида француз фикри билан француз яшаш тарзи ўртасида зиддиятлар кўриниб қолганига ва бошқа омиллар пайдо бўлиб қолганига қарамасдан дунёда француз сақофати ҳукмрон деган фикр Франция қалбида мустаҳкам ўрнашганича қолмоқда, ҳозиргача француз ақли бу фикрни инкор қилиб бўлмайдиган очиқ ҳақиқат деб қабул қилиб келмоқда ва у Франциянинг сиёсий тасарруфларини бошқарадиган руҳий омилга айланди. Шундан кўрамизки француз мустамлакачилиги бошқа мустамлакачиликлардан сақофий ҳукмронликка ҳам эътибор бериши билан ортиқ туради. Сақофий ҳукмронлик барча мустамлакаларда мавжуддир. Зеро, мустамлака қилиш заиф мамлакатлар устидан ҳарбий, иқтисодий, сиёсий ва сақофий ҳукмронликни ўрнатишдир. Агар мустамлакачилар шу ҳукмронликлардан бирини олиб ташлашга мажбур бўлиб қолишса, бошқаларини маҳкам ушлашади. Охириги ҳукмронликни қўлдан бой беришгунча аҳвол шундай давом этди. Бироқ француз мустамлакачилиги сақофий ҳукмронликдан воз кечиш борасида баҳсга ҳам, таслимга ҳам рози бўлмади. Шунинг

учун француз мустамлакачилиги таъсир жиҳатидан бошқа ҳар қандай мустамлакачиликлардан кўра жирканчроқдир.

Француз мустамлакачилиги бошқа ҳар қандай мустамлакачилик каби ўз мустамлакачилигини ва нуфузини мустаҳкамлашда ҳарбий кучга, сиёсий амалларга, иқтисодий омилларга ҳамда сиёсий ва фикрий чалғитишларга суянади. Лекин француз мустамлакачилиги ўз мустамлакачилиги учун сақофий ва фикрий жиҳатларни асос қилиб олиши билан бошқа барча мустамлакачиликлардан ажралиб туради, яъни барча ерларда, хусусан ўзига мустамлака бўлган мамлакатларда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун мазкур жиҳатларни асос қилиб олади. Байрут радиостанцияси программалари, Сурия, Ливан ва ўзига мустамлака бўлган Африка давлатлари, ҳатто Хиндихитойдаги француз мактаблари, буларнинг ҳаммаси Франция давлати қаттиқ эътибор берадиган ишлардандир. Франция ўзаро иқтисодий ёрдам ва савдо шартномаларида Америкага, малайларни тайёрлашга уриниб Англияга тақлид қилишига қарамасдан бу ишларга суянмайди, гарчи заифлиги туфайли бу соҳада муваффақиятга эриша олмаган бўлса ҳам. Франция бутун аҳамиятини сақофий алоқаларга ва фикрларнинг бирлиги ва яқинлашуви асосидаги аввалдан қўллаб келаётган дўстлашишларга қаратади.

Франция давлатининг заифлиги ва бошқа мустамлакачи давлатлар даражасидан тушиб кетганлиги сабабли унинг Осиё ва Африкага нисбатан олиб бораётган сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш қийинлашади. Гарчи унинг бутун дунёда олиб бораётган сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш мумкин бўлса ҳам. Франциянинг жаҳон сиёсатида таъсир кучи йўқлиги сабабли унинг бу сиёсатдаги асосий йўналишларини белгилаш деярли аҳамиятга эга эмас. Франциянинг барча сиёсий тасарруфларини тушуниш учун унинг энг асосий сиёсати «буюклик сиёсати» эканини билиш кифоя қилади.

РОССИЯ СИЁСАТИ

Россия сиёсати тўрт даврни босиб ўтган. Улар қуйидагилардан иборат: 1. Россиянинг подшоҳлик давридаги сиёсати. Бу сиёсат ватанпарварлик сиёсати бўлиб, икки ишга асосланган: Россияни ҳимоя қилиш ва унинг ҳудуди ва нуфузини кенгайтириш. 2. Коммунистик партия Россияда ҳокимиятни ўз қўлига олганидан кейин коммунистик сиёсати даври келди ва давлатнинг сиёсати оламшумул инқилобни вужудга келтириш ва коммунизмни бутун оламга ёйишни мақсад қилган коммунистик сиёсатга айланди. 3. Ленин вафот этиб, Россияда ҳокимиятни Сталин эгаллагач коммунистик Россия сиёсати даври келди ва давлат сиёсати коммунистик Россия сиёсатига айланди. Бу сиёсат оламшумул инқилобни вужудга келтириш ва коммунизмни бутун оламга ёйиш учун ҳаракат қилишни сақлаган ҳолда Россия давлатини сақлаб қолишни сиёсатнинг ягона асоси қилиб олган эди. Чунки оламшумул инқилобни амалга ошириш ва коммунизмни ёйиш фақатгина Россия орқали ва уни сақлаб қолиш билан амалга ошади. Демак Россия давлатини сақлаб қолиш уни кенгайтириш ва нуфузини ошириш қаерда бўлишидан қатъий назар ҳар бир коммунистнинг бурчи бўлиши ва олиб бораётган ҳар бир ишида коммунистик сиёсатнинг вазифаси бўлиши лозим эди. Шунинг учун Сталин айтганидек: «Инқилобчи Совет Иттифоқини ҳимоя қилиш ва унинг қувватини оширишга ҳеч бир иккиланмасдан ва тўхталмасдан, ҳар қандай шароит ва вазиятда бажонидил тайёр бўлган шахсдир... Совет фуқароси Совет Иттифоқини ҳимоя қилишда ҳеч қанақа шарт қўймайди ва иккиланмайди, чунки Совет Иттифоқи бутун олам инқилобий ҳаракатининг пойдеворидир. Совет Иттифоқини сақламасдан туриб бу ҳаракатни мудофаа қилиш ва ривожлантириш мумкин эмас». 4. Кейинчалик бу сиёсат Россияни ҳимоя қилиш, унинг ҳудудини кенгайтириш ва нуфузини ошириш учун коммунизмни ва коммунист партияларни восита қилиб олган соф рус сиёсатига айланди, яъни подшоҳлик давридаги рус сиёсатига қайтди. Фақат унинг биргина фарқи шунда эдики, подшоҳлик давридаги Россия ўз сиёсатини амалга ошириш учун сиёсий ва ҳарбий

амалларни қилган бўлса, ҳозирги Совет Иттифоқи эса сиёсий амалларни коммунизм ва социализм пардаси билан ўрайди, ҳарбий амалларни эса коммунизм талабларидан қатъий назар халқаро сиёсат талабларига мувофиқ олиб боради. Ленин сиёсати ва Сталин сиёсати, яъни услублари турли бўлган коммунизм сиёсати тарихга айланиб, воқеликда йўқ бўлиб кетгач у ҳақда гапириш ёки баҳс юритишдан фойда йўқ. Шунинг учун баҳс ҳозирги Совет Иттифоқи сиёсатига чекланиши лозим. Чунки ҳозирда олдимизда ушбу сиёсат турибти ва узоқ вақтгача туриши кутилмоқда. Ҳаттоки ҳокимлар ўзгариб бошқалар ҳокимият тепасига келса ҳам Россия коммунистик сиёсатга қайтишининг эҳтимоли йўқ. Чунки коммунистик фикрат Россияда ўз кучини йўқотди ва унинг яроқсизлиги бутун оламга маълум бўлди. Агар Совет Иттифоқидаги ҳозирги ҳукмрон тоифа ўзгарганда унинг ҳозирги сиёсатида бирон-бир ўзгариш рўй берса, ўзгариш фақат коммунизм татбиқини енгиллаштириш ва сиёсий амалларни у билан ниқоблашни мулойимлаштириш ёки осонлаштиришда рўй беради. Шунинг учун Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати коммунистик давлат сиёсати эмас, балки Россия сиёсати сифатида намоён бўлади ва ундаги коммунизм эса буюк давлат кўтариб чиқаётган коммунизмга даъват қилиш эмас, балки сиёсий амаллар учун ниқоб сифатида ёки кўп ҳолларда сиёсий амаллар сифатида намоён бўлади.

Совет Иттифоқи сиёсати ҳақида баҳс юритишдан олдин рус халқи ҳақида қисқача мулоҳазаларни айтиб ўтиш зарур. Зеро, маълумки амалда мустақил ҳукм юритадиган бирор малакатда давлатга ва ҳукмрон партиёга бегона бўлган халқ бўлмайди, балки давлат халқдир, халқ давлатдир. Шу сабабли совет Иттифоқи ҳақида, яъни Россия ҳақида сўз юритганда халқ деган эътиборда давлат ҳақида ва давлат деган эътиборда халқ ҳақида сўз юритилади. Шу боис Совет Иттифоқи, яъни Россия ҳақида мулоҳазаларни айтиб ўтиш зарур.

Англия ёки Америкада бўлгани каби фақат ўзига хос бўлган бирор сифат Совет Иттифоқида йўқ. Англия заковати ва устамонлиги билан ажралиб турса, Америка

уддабуронлиги, ҳамма ишнинг йўлини топиши фикрига қўшимча равишда ўткир яратувчилиги ва бунёдкор иродаси билан ажралиб туради. Россияда ҳам оламдаги бошқа мамлакатларга ўхшаб оддий инсонлар яшайди. Лекин уларда ҳам буюк халқларда бўлгани каби ватанпарварлик, ўзини устун қўйиш ва ғурур туйғуси ва буюк халқлар ва буюк давлатларда бўлгани каби ҳукмронлик ва босиб олишни яхши кўриш мавжуд. Шу сабабдан оламдаги буюк давлат сифатидаги вазиятларини бошқа буюк давлатлар каби доим муҳофаза қилиб келадилар. Бунда подшоҳлик даври ва коммунистик партия даври ўртасида фарқ йўқ. Агар улар қабул қилган мабдаъ динни давлатдан ажратишдан иборат капитализм мабдаъи бўлган бўлса, ҳозирда уларда мавжуд бўлган ва ташқи сиёсатларининг асоси бўлган коммунистик ёки социалистик фикрат ўз мазмунида ва ҳаракат қилишга асос бўлишида капиталистик фикратнинг ўзидир. Гарчи у коммунистик ёки социалистик фикрат деб номланса ҳам. Зеро, қуруқ атама холос. У ҳозирда ғарбда кузатилаётган капиталистик фикратни ямаш ҳолатига амалий суратда аста секин ўтиб бормоқда. Совет Иттифоқи социалистик коммунизм ҳам, капитализм ҳам бўлмаган ямалган капиталистик фикратга эришгунича амалда социалистик ёки коммунистик фикратни ямашда давом этаверади. Шунинг учун Совет Иттифоқини ҳам Америка ва Англия каби ўзини ҳимоя қилишга, кенгайиш ва нуфузини ёйишга ҳаракат қилаётган буюк давлат деб айтиш мумкин.

Бироқ, Англияда ҳокимиятни аслзодалар табақаси эгаллаган. Ҳокимиятда уни ва унинг манфаатларини ҳимоя қиладиганлар топилади. Америкада эса ҳокимият вакилларини ҳақиқатда ҳалқ сайламайди, лекин улар капиталистлар ва катта бойлик эгаларининг вакили бўладилар. Россияда эса бундан бошқача бўлиб, ҳукуматни ҳар қандай партия эмас, балки коммунистик партиянинг ўзи бошқаради. Шу сабабли, модомики коммунистик партия ҳокимиятни ўзиники қилиб олган экан, давлатни бошқарувчи шахслар ким бўлишларидан қатъий назар давлат коммунистик давлат бўлиб қолаверади. Шунинг учун коммунистик фикрат, тўғрироғи социалистик фикрат коммунистик сиёсатда ҳукмронлик қилмаса ҳам,

давлатда ҳукмронлигича қолаверади. Бунга сабаб шуки, бугунги кунда Россия давлати ёки Совет Иттифоқи социалистик ёки коммунистик фикрат асосига қурилган. Ҳозирда Совет Иттифоқи қозонган шон шуҳрат коммунизм ёки социализмнинг шон шуҳратидир. Шу боис Россия коммунистик давлат ёки социалистик давлат деб танилганича қолаверади. Тўғри, Россиядаги социализм фикратида улар ривожлантириш деб номлаган ўзгартиришлар юз берди. Лекин бу ўзгартиришлар шу фикратнинг ўзида, унинг фикрлари ва ҳукмларида ижтиҳод қилиш йўли орқали пайдо бўлди. Бу ўзгартиришлар у фикратни аслидан ўзгартириб бутунлай бошқача фикрат қилиб ташлаган бўлсада, лекин у асосига нисбатан олиб қаралса номида ҳам, ижтиҳод асосларида ҳам коммунистик ёки социалистиклигича қолди. Бу фикрат Муовия ҳукм юритган тахт ворислиги (валиаҳдлик) низомини вужудга келтирган вақтдаги исломий фикрат каби ҳам ва давлат бошқарувини Усмонийлар эгаллаган ва уни Усмоний ёки туркий давлат қилган вақтдаги исломий фикрат каби ҳам эмас, балки у бутунлай бошқачадир. Умматнинг ҳаммаси эътиқод қилган исломий фикрат қатъий ва мустаҳкам ақида бўлиб, бунда араб билан форс ўртасида, турк билан ҳинд ўртасида, Европалик ёки осийлик ёки африкалик ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Шу сабабли исломий фикратга ҳокимларнинг тасарруфлари ҳам, ташқи сиёсат ҳам таъсир қилмади, ҳатто унга Иломий Давлатнинг бутунлай йўқолиши ҳам ва Ислому мусулсонлар салтанати бутунлай йўқолган йиллар ёки асрлар мобайнида мусулсонлар душманлари кофирларнинг ҳукмронлиги остига тушиб қолишлари ҳам таъсир қилмади. Коммунистик ёки социалистик фикратга эса халқ эътиқод қилмаган, балки унга — гарчи миллионлаб бўлсада — шахслар эътиқод қилган ва у одамларга мамнуниятлари, розилик ва ихтиёр қилишлари билан эмас, балки ўт ва қилич билан татбиқ қилинган. Шу сабабли Россия халқи коммунистик ёки социалистик Уммат деб эътибор қилинмайди. Иломий уммат бунинг аксидир. Зеро, у бир неча давлатларга бўлиниб кетган бўлса ҳам, бир неча халқ бўлиб кўринса ҳам исломий уммат деб эътибор қилинади. Шундан келиб чиқиб Англия ва Американи абадий

капиталистик давлат деб эътибор қилингани каби Совет Иттифоқини ҳам абадий коммунистик давлат деб эътибор қилиш тўғри эмас. Балки коммунистик партия ҳокимият тепасидан кетгунча уни коммунистик давлат деб ҳисобланади.

Совет сиёсати битта фарқ билан чор Россиянинг подшоҳлик сиёсатига қайтди. Бу фарқ шуки, Совет Иттифоқи сиёсий амалларни коммунистик парда билан ўрайди. Лекин бу фарқнинг ўзи совет сиёсатини — гарчи унинг асоси подшоҳлик асосида бўлсада — бошқа сиёсатлардан ажратиб туради. Бу сиёсат Совет Иттифоқини муҳофаза қилиш, унинг майдонини кенгайтириш ва нуфузини ёйишдан иборат. Шу сабабли бу сиёсатга чор Россия сиёсати эмас, балки коммунистик давлат сиёсати деб ва у Америка сиёсати каби буюк давлат сиёсати деб қаралиши керак. Шунга кўра унинг халқаро сиёсатининг, яъни ўзини муҳофаза қилиш ва майдонини кенгайтириш сиёсатининг асосий йўналишларини кўрсатиб ўтиш керак бўлади.

Совет Иттифоқи халқаро сиёсатининг ёки мамлакатини ҳимоя қилиш ва СССРнинг кенгайтириши учун олиб бораётган сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳозирда ўзи ҳукмронлик қилаётган Шарқий Европа давлатларида ҳукмронлигини тўла сақлаб қолиш ва бу ҳукмронликни Совет Иттифоқининг чангалидан қутилиш Шарқий Европа давлатларидан ҳар бири учун қийин ёки мумкин бўлмайдиган даражада мустаҳкамлаш. Шунинг учун Руминия Совет Иттифоқининг ҳукмронлигидан чиқишга уриняпти, деб ўйлаш хато бўлади. Балки у озод бўлиш ва очилиш сиёсатида Совет Иттифоқи билан келишиб ҳаракат қилади. Немис халқи бирлиги учун шарқий Германия гарбий Германия билан ўзаро яқинлашиш сиёсатида ҳаракат қилиши эҳтимолдан йироқ, балки у Германиядан бирликни узоқлаштириш, бўлинишни абадий мустаҳкамлаш ва Марказий Европада қуроллардан холи минтақани вужудга келтириш сиёсатини амалга ошириш учун белгиланган режаларга мувофиқ ҳаракат қилади. Агар Совет Иттифоқи Австрияни бетараф давлат қилишда адашган ва хато қилган бўлса ҳам, лекин бу бетарафлик Австрияни совет ҳукмронлиги доирасидан чиқариб юборишга ёки Гарбий

Европа давлатларига яқинлаштиришига рухсат бермайди. Унинг бу сиёсати янги сиёсат эмас, балки эски сиёсатдир. Руслар қадимдан агар Шарқий Европа давлатлари уларнинг нуфузи остида бўлсагина ўзларининг ғарбий чегараларини ҳимоя қилишда хотиржам бўлишлари мумкинлигини сезар эдилар. Агар Наполеоннинг Россияга юриши бу хатарни руслар олдида аниқ сезиларли қилган бўлса, иккинчи жаҳон урушида Гитлернинг Россияга юриши бу хатарнинг мавжудлигини таъкидлади ва уларнинг қалбида мустаҳкамлади. Шу сабабли уларнинг бирор нарсада эътиборсизлик қилишлари мумкин бўлса ҳам, лекин Шарқий Европа давлатларини ўз ҳукмронликлари ва қўллари остида қолдиришда — гарчи бу иш жаҳон урушига киришга олиб борса ҳам — ҳеч ҳам эътиборсизлик қилмайдилар.

2. Хитойни ўзларининг даражаларидан пастроқда ва уларга хатар солиш даражасига кўтарилмайдиган ҳолатда қолдириш. Россия Хитойни рози қилиш йўлида Маньчжурияда совет ҳукмронлигига чек қўйган, қўшма корхоналар тузган ва Далянь ва Порт-Артурга Хитой ҳукмронлигини тўла қайтарган бўлса ҳам подшоҳлик даврида Россия Хитойдан тортиб олган катта ерларни қайтаришга Совет Иттифоқи асло унамайди. Тинчлик воситалари билан ўртадаги муомалани ҳал қилиш учун яхши қўшничилик битимларини тузишни Хитойдан талаб қилган вақтда уни бу ерлар ва шаҳарларни қайтариб олиш йўлида ўзи билан урушга кирмаслиги учун бу битимлар орқали тушовлаб қўйишни қасд қилган эди. Хитой кучайиш йўлига қадам қўйгандан кейин Россия ўзининг ташқи сиёсатида Хитой хавфини биринчи ўринга қўйди. Хитой хавфидан сақланиш мақсадида Хитой ва бутун Узоқ Шарқ вазияти устида Англия билан битим тузди.

3. Хитойни ўраб олган мамлакатларни ўз қўли остида қолдириш. Бунинг учун уларни — масалан, Шимолий Корея ва Шимолий Вьетнам кабиларни — ўз назорати остида ушлаб туриш ёки Россияга душман бўлмаган ва Хитой ҳукмронлиги остига тушиб қолмайдиган вазиятда ушлаб туриш. «Чалғитиш учун уруш» деб ном олган Вьетнам ҳодисалари, ва ҳатто Ҳиндихитойдаги Лаос ва Кампучия каби давлатларнинг

ҳолатлари Хитой хавфини йўқотиш ёки уни узоқлаштириш ва кучсизлантириш учун уюштирилган.

4. Фарбий Европани доимий кучсиз ҳолатда қилиб қўйиш ва Россияга хатар туғдирадиган даражада кучайишига йўл бермаслик. Шунинг учун — иккинчи жаҳон урушидан олдин Американинг ҳолати каби — Фарбий Европа давлатларига битта давлат ҳукмронлик қилмаслиги учун унинг давлатлари ўртасидаги мувозанатга эътибор бериш билан кифояланмайди, балки Европа давлатларини ва Европа Умумий Бозорини ҳам кузатиб боради ҳамда Европа давлатларининг уюшишига қаршилиқ қилади.

5. Англияни кучсизлантириш ва яна буюк давлатга айланишга тўсиқ бўлиш. Англиянинг бутун дунёдаги базаларини ва оламдаги мустамлакачилигини йўқ қилиш ҳамда Ҳиндистондаги мавқеини заифлаштириш. Шунингдек Россия ўзи учун Хитойни хатар туғдиради, деб билганидек, гарбдан ҳақиқий хатар Англиядан келади, деб билади. Чунки бутун жаҳонни Россияга қарши гиж-гижлаган ва ҳамон гиж-гижлаётган Англиядир. Англия Американи биринчи ва иккинчи жаҳон урушларига киргизган эди. Англия фарбий ҳарбий блок билан шарқий ҳарбий блок ўртасида чиққан совуқ уруш ортида турган эди. Шунинг учун Совет Иттифоқи Англияни ўзи учун доимий хатар деб ҳисоблайди.

6. Америка сиёсатини кузатиш ва ўрганиш Халқаро мавқени фақат ўзи билан Америкага чеклаб қўйиш. Англия ва Франция халқаро муаммоларда иштирок этишга қайтмаслиги, оламни ўзи ва Америка ҳукмронлиги остида қолдириш, оламий муаммоларни Америка билан биргаликда ҳал қилиш.

Бу Россиянинг халқаро сиёсатига, яъни ўз мамлакатини ҳимоя қилиш сиёсатига тааллуқлидир. Коммунизмнинг кенгайишига ёки тўғрироғи Россиянинг майдони кенгайишига ва нуфузини ёйишга қаратилган сиёсатига келсак, Россия Америка билан келишиб олганидан кейин унинг кенгайиши ва нуфузини ёйиши бир-биридан фарқли икки шаклда бўлди. 1. Коммунизмнинг кенгайиши. 2. Ўз нуфузини ёйиш. Коммунизмнинг кенгайишидаги сиёсати аниқ белгиланмаган ва чекланмаган эди. Модомики бу сиёсат Америка билан келишувни бузишга ўтиб кетмас экан, яъни унинг нуфузи

бўлиши ман қилинган минтақаларда нуфузини ёйишга ўтмас экан хоҳлаган йўллари билан коммунизмни кенгайтираверади. Шунинг учун унинг коммунистик сиёсати нуфузни ёйиш сиёсатидан кўра кўлами кенгроқ эди. Россия коммунистик сиёсатининг асосий йўналишлари қўйида қисқача баён қилинган:

Биринчидан, оламдаги коммунистик партияларни коммунизмни қаерда бўлса ҳам — Европадами, Осиёдами, Африка ёки Америкадами фарқи йўқ — ёйиш учун восита қилиб олиш. Коммунистик партиялар Россия давлатига ва Россия коммунистик партиясига мустақкам боғланган эдилар. Россия уларни ҳар бир нарсада сиёсий таянч билан, сақофий ва молиявий ёрдам бериш билан, фикрий ва партиявий манфаатларни ҳимоя қилиш билан қўллаб-қувватлар эди. Бунда ушбу партиялар Чили ва Куба компартиялари каби ҳокимият тепасида бўлиши ёки Европа ва Африкадаги ҳамда Осиёнинг Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларидаги компартиялар каби ҳокимият тепасида бўлмаслигининг аҳамияти йўқ эди.

Иккинчидан, Россия коммунистик бўлмаган давлатларга, хусусан қолоқ давлатларга берадиган ҳарбий ва иқтисодий ёрдамлар. Бунда Куба ва Миср каби Америка таъсир доирасида бўлган мамлакатлар билан Россиянинг кенгайишлик ҳаққи бўлган — Африкадаги айрим мамлакатлар каби — мамлакатлар ўртасида фарқ йўқ эди. Бу ёрдамлар ортидан рус мутахассислари ва масалаҳатчилари юборилади. Россия бундай ёрдамлар ва масалаҳатчилар воситасида коммунистик фикрларни тарқатади. Мана шундан Россия ҳатто коммунистик давлат қуришга таваккал қилмайдиган Судан ва Ироқ каби мамлакатларда ҳам, Чили ва Куба каби нуфузи бўлишини умид қилмайдиган давлатларда ҳам коммунизмни ёйишга ва социалистик ташкилотларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаётганини кўрамиз.

Учинчидан, коммунистик китоблар, нашрлар, босмаҳоналар, илм даргоҳлари ва Россиянинг ўзида таржима қилиниб, босиб чиқарилган китоб ва нашрлар. Америка маълумотлар марказларидаги ҳолат каби Россия ўзининг сақофий марказларига бутунлай суюнмасида ва сақофатни

сақофий ҳукмронлик учун восита қилиб олмасада, лекин у миллионлаб кишиларни ҳар хил услублар ва турли воситалар билан социалистик ва коммунистик сақофат асосида тарбиялашга қасддан ҳаракат қилади.

Тўртинчидан, мустамлакадан озод бўлиш, империализм ва мустамлакачиликка ҳужум қилиш фикрларини қабул қилиб, уларни коммунистик ёки социалистик фикрлар сифатида тарқатади. Одамларнинг бу фикрларни қабул қилишлари ва уларга қизиқишларидан коммунистик фикрларни қабул қилишлари ва унга қизиқишлари учун қурол сифатида фойдаланди.

Олтинчидан, баъзи мамлакатларда сиёсий ва ижтимоий зулм, камбағаллик ва муҳтожлик мавжудлигидан фойдаланиб, коммунистик фикрати бу муаммоларнинг муолажаси сифатида, халқлар ва миллатларни озод қилиш, уларни очлик, касаллик, жаҳолат чангалларидан қутқаришнинг воситаси сифатида ўртага ташлайди. Уларни ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назардан келиб чиққан фикрлар эмас, балки сиёсий фикрлар сифатида ўртага ташлайди. Бу эса ҳатто айрим диндорларда ҳам ушбу фикрларга нисбатан майл уйғотади.

Мана шулар Россиянинг коммунизмни ёйиш сиёсатидаги энг муҳим жиҳатлардир. Булар шунингдек нуфузни ёйиш ва коммунистик бўлмаган мамлакатларга кириб бориш учун ҳам ишлатаётган воситалар бўлиб, Россия уларни оламнинг ҳамма мамлакатларида ишлатади. Бунда Америка билан келишувига биноан кенгайишга ҳаққи бўлмаган мамлакатлар билан кенгайиши ва нуфузини ёйишга ҳаққи бўлган мамлакатлар ўртасида фарқ йўқ эди.

Аммо кенгайиши ва нуфузини ёйишга ҳаққи бўлган мамлакатларда ўз нуфузини ёйиш ва коммунизмни олиб киришда қўллаган асосий йўналишларига келсак, улар қуйида баён қилинади.

а) Сиёсий, иқтисодий, ҳарбий курашнинг ҳамма воситаларини халқаро алоқалар ва жамият алоқаларини парчалаш томон йўналтириш. Бу алоқаларни капиталистик алоқалар ва исломий алоқалардан социалистик алоқаларга айлантириш. Мамлакатларда сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлиги бўлган сўл гуруҳларни вужудга келтиришга

ҳаракат қилиш. Россиянинг баъзи Африка ва Осиё мамлакатларида қилаётган ишлари бунга очиқ далилдир.

б) Баъзи мамлакатларда ватанпарварлик жабҳа (фронт)ларини пайдо қилиб, бу мамлакатдаги компартияларга нуфузи ва моддий ёрдамлари билан ёрдам беради. Бундан ушбу компартиялар бошқа партиялар ва гуруҳларнинг ичига кириб, улар устидан ҳукмрон бўлиб олиб, уларни компартиялар ва сўл гуруҳлар орқали Россия томонидан бошқариладиган социалистик ёки капиталистик ҳокимиятларни вужудга келтиришга, коммунистик бўлмаган социалистик партияларни ва социалистик ҳокимият тузумларини қўллаб-қувватлаш ва мудофаа қилиш доирасига киритишга ҳамда баъзи мамлакатларни қўллаб-қувватлаш, мудофаа қилиш ва ёрдам бериш орқали Россияга боғлаб қўйишга йўналтириш кўзда тутилади.

в) Халқ орасида зиддиятларни вужудга келтириш. Умнатни иқтисодий табақаларга айлантириш. Хароб қилишнинг ҳамма усулларини, яъни намойишлар, иш ташлашлар, зўравонлик ҳодисалари ва бошқаларни мамлакатларни безовта қилиш, уни ўз нуфузи ёки ҳукмронлигига тортиш ҳамда одамлар орасида нафрат ва ёмон кўришларни вужудга келтириш учун восита қилиш.

г) Ватанпарварлик фикрини кучайтириш билан бирга миллатчилик ва диний фикрларга қарши курашиш. Сўл ҳаракатларнинг ҳамма шаклларини тарқатиш. Мамлакатларда тараққиёт, ҳуррият ва социализмни намунавий фикрлар қилиб, уларга етиш учун ҳаракат қилинадиган олий гоёлар қилиш. Россия амалга оширган Совет Иттифоқининг иқтисодий ва технологик муваффақиятларини тараққиёт ва социализмнинг муваффақиятига мисол қилиб кўрсатиш.

Мана шулар бошқа мамлакатларда коммунистик нуфузни, шу билан бирга коммунизмни ёйиш учун қўлланган асосий йўналишларнинг энг муҳимларидир. Россия ўзини коммунизм раҳнамози қилиб олгач барча коммунистик мамлакатларнинг етакчиси бўлишга интилмоқда. У шунингдек ўзини тараққиёт, озодлик, жамиятларни бахтли қилиш ва бечораларга ёрдам беришнинг раҳнамози қилиб олди. Шунинг учун қаерда бўлса ҳам ўзи учун коммунистик тобеликни кафолатлаш мақсадида

турли услуб ва воситалар билан коммунистик мамлакатларга кириб бормоқда. Коммунистик бўлмаган мамлакатларга ҳам ўз ҳукмини ўзказиш, улар устидан сиёсий ёки иқтисодий ёки ҳарбий нуфузни пайдо қилиш мақсадида турли услуб ва воситалар билан кириб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси мамлакатларда ҳукмронлик қилиш, бу ҳукмни мустаҳкамлаш ва илдиз оттириш учундир.

Россия гарчи ўзини мустамлакачиликдан оқлашга ҳаракат қилиб мустамлакачиликка қарши курашиш, озодлик ва озод қилиш фикрларини ёйишини даъво қилса ҳам, лекин ҳақиқатда Россия коммунизмга даъват этишни тарк қилиб, ўзи учун янги сиёсат йўлини танлаганидан кейин нуфузини ёйиш учун қилаётган ҳаракатлари билан мустамлакачи давлатларнинг ишини қилмоқда. Зеро, мустамлакачи давлатлар ҳозирда заиф мамлакатларни эксплуатация қилиш мақсадида улар устидан иқтисодий, сиёсий ва сақофий ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилаётган бўлсалар, Россия ҳам ўз нуфузини пайдо қилиш мақсадида заиф мамлакатларга ҳукмронлигини ёйишга ҳаракат қилмоқда. Унинг сиёсатида бошқа мустамлакачи давлатлар каби иқтисодий эксплуатация жиҳати яққол кўзга ташланмаса ҳам, лекин нуфузини ёйиш жиҳати очиқ ойдин кўриниб турипти.

Мана шулар советлар сиёсатидир. Уни шундай тушуниш зарур. Бу сиёсат коммунистик даъватни ёйиш сиёсати эмас, балки ўз нуфузини ёйиш ва майдонини кенгайтириш учун ҳаракат қилаётган буюк давлатнинг сиёсатидир. Уни шу тарзда тушунилса нафақат унинг ёмонлигидан сақланиш ва унга қарши туриш, балки (хусусан зарба тўғри йўналтирилса) унга қақшатқич зарба бериш мумкин бўлади.

ХАЛҚАРО МУАММОЛАР

Давлатлар ўртасида ўзаро курашнинг бўлиши табиий ва муқаррардир. Халқлар ва миллатлар ўртасида манфаатларнинг ҳар хил бўлиши ўзгартириб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Инсонларнинг — хоҳ умумий, хоҳ хусусий манфаатлар бўлсин — манфаатлар устида курашлари йўқолмайди. Чунки фикрларда ва фикрлар устида келишмовчиликлар табиий ва муқаррардир. Шунингдек инсонлар ўртасидаги яшаш тарзи ҳам хилма-хил бўлиб, то Қиёмат кунигача шундай давом этади. Шу сабабли халқлар ва миллатлар ўртасида яъни давлатлар ўртасида фикрлар, яшаш тарзи манфаатлар устида кураш пайдо бўлиши муқаррар. Лекин бу кураш бир неча суратда бўлади. Баъзан сиёсий шаклда, гоҳо иқтисодий шаклда ёки ҳарбий шаклда намоён бўлади. Агар тижоратда ва пул хусусида молиявий рақобат бўлса — бундай рақобат ҳамма вақт шахслар ва давлатлар ўртасида кузатилади — бундай рақобат гоҳо курашга айланиб кетади, гоҳида бу кураш урушларга айланиб кетади. Инсонлар табиатан урушни ёмон кўрсалар ҳам ва ўзаро муаммоларни тинчлик воситалари билан ечишга уринишса ҳам, ўзлари ёмон кўрган нарсага мажбур қилинишлари аниқдир. Шунинг учун ҳам инсонлар бу урушлардан узоқлашишга қанчалар ҳаракат қилишса ҳам улар ўртасида уруш бўлиши муқаррар. Улар урушни тўхтатишга қодир эмаслар. Чунки сўнгги муолажа ярани қиздирилган темир билан босиш бўлади. Агар тугунни ечиш қийин бўлса уни қилич билан кесиб ташлаш зарур. Мана шундан иш охирида қуролга мурожаат қилиниши ва инсонлар ўртасида урушлар бўлиши муқаррардир.

Лекин бир вақтнинг ўзида ва битта урушда бутун инсоният биргаликда иштирок этишга қарор қилиши табиий ҳам, муқаррар ҳам эмасдир. Яъни жаҳон урушлари нотабиий ва номуқаррардир. Самара бериши ва инсониятни ислоҳ қилиш мумкин бўлган фикр юритиш жаҳон урушларини ман қилиш ва олдини олиш ҳақидаги фикр юритишдир. Жиддий ҳаракат қилиш лозим бўлган тинчлик бутун жаҳон тинчлигидир. Аммо миллатлар ва халқлар ўртасидаги ҳамда давлатлараро тинчлик, гарчи унга интилиш чиройли иш бўлса

ҳам, лекин уни доимий шаклда рӯёбга чиқаришнинг имкони йўқ, балки уруш бўлиши муқаррар. Шунинг учун бирор инсоннинг урушларни ман қилиш ҳақида фикрлаши хатодир.

«Жаҳон уруши» фикрини пайдо қилган давлат айнан Англия бўлади ёки бошқача қилиб айтганда, мамлакати кичкина, сони кам бўлган халқлар пайдо қилганлар. Улар кучли умматлардан ўзини ҳимоя қилиш йўлида бошқа миллатлар ва халқларга мурожаат этиб, уларни ўзи билан ҳамкор бўлишга қизиқтирди. Бир умматлар бошқа халқлар ва умматлар билан уюшишга мажбур бўлди ва натижада урушга киришда бир неча давлат бошқа давлатлар билан иштирок этди. Бундан жаҳондаги кўпгина давлатлар битта урушда иштирок этиши келиб чиқиб, «жаҳон уруши» деб номланган уруш бўлди. Бу аслида қўйидагича бўлган: Англия Наполеонга қаршилик кўрсатиш йўлида унга уруш қилиш учун бир неча давлатларни жамлади, охири Наполеонни енгди. Шунингдек Усманий Давлат оламнинг катта қисмига ҳукмронлик қилган ва кўпгина Европа мамлакатларини фатҳ қилган бир пайтда Европа халқларини Усманий Давлатга қарши битта уюшмага жамлади, охири уни парчалаб, Европадан чиқариб юборди. Кейин бу нарса биринчи жаҳон, сўнг иккинчи жаҳон уруши чиқишига олиб борди. Жаҳон уруши фикри қадимий фикр эмас ва инсониятдаги табиий фикр ҳам эмас, балки у тасодифий ва жирканч фикрдир. Шунинг учун уни бартараф этиш мумкин, нафақат мумкин балки самарали йўллар билан бартараф этиш зарур, токи жаҳон — айниқса ядровий қурооллар пайдо бўлган бир вақтда — яна «жаҳон уруши»га дучор бўлмасин.

Жаҳон урушини бартараф этишнинг йўли давлатлараро ҳарбий уюшмалар пайдо бўлишини ва икки давлатдан кўп давлатлар ҳарбий иттифоқлар тузишининг олдини олишдир. Бундай тадбирнинг кайфияти қўйидагича бўлади: миллатлар ва халқларга ҳарбий уюшмаларни айб ва уятли иш қилиб кўрсатиш керак ва ўз навбатида давлатлар истилоҳида ҳам шундай қилиш керак. Бу тадбир ҳарбий уюшмаларга қарши афкори оммани пайдо қилиш орқали амалга оширилади. Икки давлатдан кўп давлатларнинг ҳарбий иттифоқлари ҳарбий уюшмалар бўлиб, «уюшмалар» фикри остига киради. Агар кўп

миллатлар ва халқлар назарида кучли афкори омма пайдо бўлса давлатларнинг ҳарбий уюшмаларга аъзо бўлишдан бош тортиши шубҳасиздир ёки бундай уюшмалар тузилса ҳам уларнинг таъсири кучсиз бўлади. Эллигинчи йилларда Ўрта Шарқда «Бағдод пакти» ва шу йилларда Америка дунёнинг турли минтақаларида тузган ҳарбий иттифоқлари дуч келган ҳолатлар бунга ёрқин далилдир. Дарҳақиқат бу иттифоқлар ёки уюшмалар Россияга қарши туриш ва мустамлакачиликнинг ҳукмронлигини ушлаб туриш учун тузилган эди. Лекин бундай иттифоқларнинг пайдо бўлиши билан бир вақтда уларга қарши ташвиқот «бундай иттифоқларга аъзо бўлиб кириш мустамлакачиликнинг ҳимоя қилиш йўлида халқлар ўзларини қурбон қилишларига олиб келади», деган афкори оммани пайдо қилди. Бундай иттифоқни пайдо қилган давлатлар қанчалар кучли бўлмасин бу афкори омма жуда тез атрофга ёйилиб кетди. Шу билан кўп давлатлар уларга аъзо бўлишдан бош тортди. Аъзо бўлган давлатларнинг халқлари эса бу иттифоқларга қарши бўлиб, шу иттифоққа кирган давлатлардан ўч олишга киришди. Бу эса бундай иттифоқларни заифлаштиришга ва фаолиятини йўқотишга олиб келди. Охири улар йўқолиб кетди ва гўё йўқдай бўлиб қолди. Агар Европа давлатлари биринчи жаҳон урушида Америка билан иттифоқчи бўлишдан бош тортишганда эди бу иккала жаҳон уруши бўлмаган бўлар эди. Шунинг учун ҳарбий уюшмалар пайдо бўлиши ва ўз навбатида дунёда жаҳон урушлари бошланишининг олдини олишнинг ягона йўли икки давлатдан ортиқ давлатлар иттифоқи ва халқаро уюшмалар бўлмаслигидир.

Давлат ўртасидаги муаммоларни ҳал қилиш ва давлатларнинг бир бирини ҳимоя қилишига келсак, бу XIX асрдаги Англия ва Франциянинг ҳолати каби ва XX асрнинг иккинчи яримидаги Американинг ҳолати каби бир ёки бир неча буюк давлатни халқаро жандарн (миршаб) қилиб қўйиш билан бўлмаслиги керак. Зеро, бу бир давлатнинг бошқа давлат устидан ҳукмронлигини ўрнатиши демакдир. Ҳамда миллат ва халқларга қарата террор қуролини қўллаш демакдир. Бундай бўлиши эса мумкин эмас. Шунингдек муаммоларни ҳал қилишда фикрларига бўйсунмайдиганларни

жазолаш ҳуқуқига эга бўлган давлатлардан иборат бирор ташкилотни тузиш ҳам тўғри эмас. Чунки бу ҳолат давлатлар устидан оламий давлатни вужудга келтиришни (ҳолбуки бу мумкин бўлмаган нарса ва у шунингдек, муаммоларни ҳал қилишга уриниш орқали янги муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади) билдиришидан ташқари муаммоларни ҳал қилиш учун восита бўлишга ярамайди. Бу билан эса одамлар ўртасидаги муаммоларни ўзаро розилик ва ихтиёрийлик билан ҳал этиш ҳосил бўлмайди.

Давлатлар ўртасидаги алоқалар шахслар ўртасидаги алоқаларга ўхшайди. Бу алоқаларнинг муолажаси давлатлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этадиган тарзда бўлиши керак, яъни мана шу алоқаларни тартибга солиб турадиган ҳукмрон бўлган умумий урф орқали бўлиши керак. Мана шу вақтда муаммо ушбу умумий урфга қарши чиқиш ёки унга қарши чиқишни даъво қилишдан келиб чиқади. Унинг муолажаси эса, шу урфга келишган бир неча давлатларни низони келтириб чиқарган муаммо хусусида аввал келишиб олишган фикр ва райларга қайтаришдир. Масалан, тажовуздан ҳимояланиш муаммоларига Франция ва Россиянинг Германиядан, Хитойнинг Япония ва Россиядан, Канада ва Жанубий Американинг АҚШдан ҳимояланиш муаммоларини ва бундан бошқа муаммоларни мисол қилиш мумкин. Бу муаммоларни ҳал этишнинг бирдан-бир йўли тажовузнинг сабабини излашдир. Агар сабаб босқинчилик ва ҳукмронлик бўлса — Хитойга нисбатан Россия ва Япониянинг ҳолати каби, ёки мустамлака ва эксплуатация қилиш бўлса — Канада ва Жанубий Америкага нисбатан АҚШнинг ҳолати каби, ёки қасос олиш ва ананавий душманлик бўладиган бўлса — Россия ва Францияга нисбатан Германиянинг ҳолати каби, буни муолажа қилиш йўли бундай тажовузлар ҳақида: «улар уят ва айб бўлиб, давлатларнинг обрў эътиборига ярашмайди», деган умумий фикрни вужудга келтириш керак. Шу билан бирга тажовуз қилиниши хавфи бор давлатларни кучайтириш керак. Лекин буни давлатлараро иттифоқ (блок)лар тузиш билан эмас, балки заиф халқларда ҳаёт ҳақидаги асосий фикрни пайдо қилиш билан бўлади. Бу асосий фикр уларда қувват ва

ҳаётни пайдо қилади, уларни ҳар қандай тажовуздан қўрқмайдиган қилиб қўяди. Агар тажовузнинг сабаби бирор фикратни тарқатиш бўлса, бостириб кирилган мамлакатлардаги умумий фикр ушбу фикратнинг тўғрилигига ва у ҳукм юритиш, ишларни бошқариш жиҳатидан мазкур мамлакат ўз ишларини бошқараётган фикратдан кўра муносиб ва яхшироқ эканига қаноат ҳосил қилса, бундай босқинчилик ва қўшиб олиш тажовуз ҳисобланмайди, балки қонуний уруш ҳисобланади. Шунинг учун бундай урушлар жаҳон уруши бўлмаслиги, балки маҳаллий уруш бўлиши шарти билан ман қилинмайди. Шунингдек унда ростгўйлик амалда зоҳир бўлиши, фикрат ғайри қонуний мақсадлар учун восита қилиб олинмаслиги ва босиб олинган халқларнинг хоҳлаган эътиқод ва динни танлаш ҳуқуқи кафолатланиши, ишларни бошқариш ва хусуматларни ажрим қилишда босиб олинган халқлар билан тенг ҳуқуқли бўлиши шарт.

Бу ердаги мавзу умуман урушни ман этиш ҳақида эмас, балки бутун жаҳон уруши ва ғайри қонуний урушларни ман этиш ҳақида боряпти. Бироқ маҳаллий ёки қонуний урушларни ман қилишнинг имкони йўқ, бошқача қилиб айтганда бундай урушга қарши туриш адолат ва эзгуликка қарши туриш бўлади. Бу эса асло тўғри эмас. Бутун дунё тинчлиги, деган фикр эса энг тўғри ва рўёбга чиқариш мумкин бўлган фикрдир. Аммо мутлақ тинчлик фикрига келсак, у амалга ошириб бўлмайдиган ва нотўғри фикрдир. Зеро, манфаатлар ва фикрлар устида келишмовчиликларнинг бўлиши табиий ва муқаррардир. Ушбу келишмовчиликларни оммавий фикр орқали ҳамда маҳаллий уруш орқали бартараф қилиш мумкин. Бундай ҳолат икки тараф ва икки халқ ўртасида бўлиши табиий, бироқ бутун дунё давлатлари ўртасида бир-бирлари билан бўлиши эса табиий ҳол эмас.

Булар катта муаммоларга тааллуқ мулоҳазалардир. Аммо чегаралар, тижорат ва маҳаллий манфаатлар ва шунга ўхшаш нарсалар устидаги келишмовчиликлар каби кичик муаммоларга келсак, бу муаммолар уларни муолажа қилиш ҳақида бошқалар фикр юритадиган ёки бутун дунё аҳамият берадиган даражага кўтарилмайди. Бу каби муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади. Уларни ўзаро келиша олмаётган тарафлар,

гарчи ўртада уруш қилиб бўлса ҳам, ўзлари ҳал қилиб оладилар. Шунга кўра маҳаллий муаммоларнинг эътибори йўқ, балки бутун эътибор халқаро муаммоларга қаратилиши лозим. Демак муолажа устида фикр юритилганда халқаро муаммоларга ва уларни ҳал этиш тариқатига эътибор қаратилади. Чунки бундай муаммолар давлатлараро уюшмаларга ҳамда жаҳон урушларига олиб боради.

Бугунги кунда оламдаги халқаро алоқалар ва халқаро жамиятга келсак, олам халқаро муаммоларни ҳал этиш учун ҳаракат қилаётгандек кўринсада, лекин у муаммоларни атайин вужудга келтириб, алангалантираётган, кейин эса фойда орттириш, халқларни эксплуатация қилиш, ҳукмронлик ва нуфузни пайдо қилиш мақсадида бу муаммоларни ҳал қилишни восита қилаётган оламдир. Демак у муаммоларни вужудга келтириб уларни чигаллаштириб юбормоқда. Ҳатто бутун олам мана шундай вазиятга тушиб қолишининг ўзи ҳам ҳал этилиши лозим бўлган яна бир муаммо бўлиб қолди. Бунинг сабаби шуки, олам ишларини икки улкан давлат — Америка ва Россия бошқармоқда. Улар ўзларидан бошқаларни заифлаштиришга, ўз қудратларини эса оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар ўзларини ҳимоя қилиш, бошқаларни эксплуатация қилиш ва ўз нуфузларини кенгайтириш асосида иш юритмоқдалар. Бу оламни бошқаришда уларга икки катта давлат — Англия ва Франция шерик бўлишга ҳаракат қилмоқда. Бу ҳаракат оламни яхшилаш ва ўғнаш учун эмас, балки эксплуатация қилиш ва нуфузни ёйишда Америка ва Россияга шерик бўлиш учундир.

Чунки бу икки катта давлат, яъни Англия ва Франция ҳам икки улкан давлат Америка ва Россия сиёсатининг асоси бўлган — ўзини ҳимоя қилиш, бошқаларни эксплуатация қилиш ва улар устидан нуфузларини кенгайтириш асосида иш юритадилар. Бутун дунё шу аҳволда экан, унга ҳеч қандай эзгуликни умид қилиб бўлмайди ва бирон-бир яхшилик кутилмайди. Чунки унинг ишларини бошқараётганлар унинг фаровонлиги, озод бўлиши ва бахт-саодати учун ҳаракат қиляпмиз деган даъво билан аслида уни эксплуатация қилиш, унинг устидан ҳукмрон бўлиб олиш ва нуфузларини кенгайтириш мақсадида ҳаракат қилмоқдалар. Шунинг учун

бутун дунёга соя солиб турган муаммо оламий тинчлик муаммоси, ҳатто умуман тинчлик муаммоси ҳам эмас, балки дунё устидан ҳукмронликни йўқотиш ва уни эксплуатация қилишга ва нуфузини кенгайтиришга чек қўйиш муаммосидир. Шунинг учун бутун оламнинг ҳозирги аҳволи ҳал этилиши лозим бўлган муаммодир. Мана шу муаммо ҳал этилмас экан инсоният устидан хорлик ва бахтсизликнинг ҳукмронлиги давом этаверади.

Бунинг сабабига келсак, олам ҳаёт ҳақидаги асосий фикратга биноан яшамапти. Оламда мустаҳкам ўрнашган ва унинг яшаши учун асос бўладиган ҳаёт ҳақидаги дунё қараш йўқ. Олам ишларини бошқараётган давлатлар уларни ҳаёт, инсон ва коинот ҳақидаги умумий фикрат билан эмас, балки соф ғаризавий (инстинктив) турткилар асосида бошқармоқда. Тўрт, давлат, яъни икки улкан ва икки катта давлатларнинг сиёсатида пойдевор бўладиган асосий фикратнинг йўқлиги ва ғаризавий жиҳатнинг устунлиги яққол кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам уларнинг барча амаллари ўзларини ҳимоя қилиш, бошқаларни эксплуатация қилиш ва ўз нуфузларини кенгайтиришга чекланиши муқаррар. Қайси уммат ва халқда унинг яшаши учун асос бўладиган ва оламга даъват сифатида кўтариб чиқадиган асосий фикрат топилмас экан, бундай уммат учун бирор эзгулик ва нажот бўлишига умид қилиб бўлмайди.

Олам аввалги асрларда ғаризавий томонда ҳаракат қилар эди. Лекин ғаризавий томон бошқарадиган кучлар олам устидан ҳукмрон эмас эди. Шу сабабли олам бу кучлар учун эксплуатация қилиш ва нуфузни кенгайтириш майдони бўлмади. Шундан кейин оламга сиёсий ақида, фикрий пойдевор ва ҳаёт ҳақидаги дунё қараш бўлган ҳаёт, инсон ва коинот ҳақидаги умумий фикрат келиб, уммат ва давлатда гавдаланди ва давлат одамлар орасида уни тарқата бошлади, ҳидоятни тарқата бошлади. Юз миллионлаб одамлар ушбу фикрат соясида ўн асрдан кўпроқ вақт ором, барқарорлик, гуллаб яшнаш ва иззатда яшадилар. Қонуний ва ноқонуний маҳаллий урушлар бўлиши мумкин бўлсада, лекин жаҳон уруши бўлиши ва унга — хоҳ қонуний, хоҳ ноқонуний бўлсин — бир-бирига қарши урушиш учун бутун оламни тортиши

мумкин эмас. Европада капиталистик фикрат етишиб чиққач, ғаризаларга бутунлай эрк бериб юборди. Инсонлар ўртасидаги алоқаларни дўстлик ва бошқаларни афзал кўриш алоқаси эмас, балки ўзаро жанжал ва кураш алоқаси, яъни «ўртамиздаги нонни ё мен ейман ё сен ейсан», деган мазмундаги алоқа қилиб қўйди. Мана шу пайтда ғаризавий томон фикрат устидан ғолиб келиб кураш ва жанжаллар вужудга келди. Бу нарса эксплуатация қилиш илинжида куч орқасидан югуришга, давлатлари давлатларга қарши уюшишига ва инсониятни бахт-саодатли қиладиган умумий фикратни заифлаштиришга ва ўз навбатида ушбу фикратни гавдалантириб турган давлатни ҳам заифлаштиришга олиб борди. Оқибатда инсонлар улар устидан фикр ўрнига ғариза ҳукмрон бўлишига ва заиф устидан кучли ҳукмрон бўлишига, инсонлар ўз биродарлари инсонларни хор қилиб ва қул қилиб эксплуатация қилишига дучор бўлишди. Сўнгра мустамлакачилик ва у билан фахрланиш ҳамда мустамлакаларни пайдо қилиш ортидан югуришлар бўлди. Кейин буларнинг барчаси жаҳон урушларига олиб борди.

Лекин мустамлакачилик касали кучайиб Европада сиёсий ва иқтисодий зулм чўққисига етганда бу олов мутафаккирларни куйдирди. Улар бу зулм юкининг оғирлигидан фарёд қилдилар. Одамларни бор овозлари билан бу зулмни йўқотишга чақирдилар. Натижада бузуқ капиталистик тузумнинг муолажаси сифатида социалистик ва коммунистик фикрат юзага келди. Бу фикрат тўғри фикрат бўлганида ва ғаризаларга мос келадиган ақлий ва фитрий асосга қурилганида эди фойдали муолажа бўлар эди. Бинобарин яхлит бир Уммат бўла оладиган халқда ва ўзгартириш қудратига эга бўлган кучли давлатда гавдаланган бўлар эди. Лекин у хато ва хаёлий фикрат эди. Ақлдан эмас, балки воқеликка жавоб сифатида, воқеликни фикрлаш макони эмас, балки фикрлаш манбаи қилишдан пайдо бўлган эди. Шунинг учун у ҳаёт, инсон ва коинот ҳақидаги умумий фикр бўлсада, лекин ақлга эмас, балки моддага қурилган бўлиб, ақл унга модда устида фикр юритиш орқали эмас, балки моддани ҳис қилиш орқали етишган эди. Шунинг учун у бутунлай муваффақиятсизликка учради. Халқ ёки умматда

гавдалана олмади. Коммунистик давлатга айланишга ҳам қуввати етмади. Татбиқ қилишда эса фақат капиталистик фикрат сингари алмаштириш, ўзгартириш ва ямоқ солиш билангина тузумини татбиқ қила олди.

Коммунистлар фикратни халқлар ва умматларда эмас, мазлумлар табақасида гавдалантиришга ҳаракат қилдилар. Оламни ўзгартириш қудратига эга бўладиган кучли давлат тиклашга ҳаракат қилдилар. Лекин улар мазлум табақалардан оламий давлат тиклашга чақирган эдилар. Дунёдаги халқлар ва умматларга даъватни рисолат сифатида ёювчи битта умматга айланадиган халқда давлат тиклашга чақирмаган эдилар. Оқибатда улар оламий давлат барпо қилишда ва ўзгартириш қудратига эга бўладиган кучли давлатни вужудга келтиришда муваффақиятсизликка учрадилар. Кейин Ленин бу мафқурани шарҳлаган ва оламдаги мазлум табақалардан оламий давлат вужудга келтириш мумкин эмаслигини сезган пайтда — бир маконда коммунистик давлатни барпо қилиш, сўнг шу макондан туриб бу давлат — ҳаракат босқичларидан бир босқич сифатида — оламий инқилоб ва оламий давлатни вужудга келтириш учун ҳаракат қилиши ҳақида гапирди. Лекин у бу фикратнинг аниқ хатолиги кўринган пайтда унинг ҳаммасини қайта кўриб чиқиш ўрнига шу фикрат асосида ҳаракат қилди ва шу фикратни ҳаракатга келтириш кайфияти устида ишлаш билан чекланди. Сўнг ўз халқини оламга даъватни ёядиган давлатга айланиш учун фикратни ёядиган халқ қилиш ўрнига фикратни мазлумлар табақасига ёйди ва уларни золимлар устидан ҳукм юритадиган қилиб қўйди. Оқибатда фикратни татбиқ қилиш, зулмни бутунлай йўқотиш ва оламий инқилобни пайдо қилиш муваффақиятсизликка учради. Унинг ўринбосари Сталин келган пайтда ҳам муваффақиятсизлик давом этди ва катталашиб кетди. Охири коммунистик давлат коммунистик давлаб бўлиб эмас, балки коммунистик фикрат пойдевори сифатидаги Россия давлатига айланди. Сўнг Сталиннинг издошлари келганда ҳам бу фикратнинг муваффақиятсизлиги давом давом этиб, уни ўзгартириш яна ҳам кучайди. Коммунизм пойдевори бўлган Россия давлати нуфузини кенгайтириш ва ҳукмронлигини ўрнатиш учун коммунизмни восита қилиб олган подшоҳлик

Россия давлатига айланди. Шу сабабли капитализмнинг муолажа қилиш ва унга қарши курашиш учун келган фикратнинг оламни сиёси ва иқтисодий зулмдан қутқаришда ҳеч қандай таъсири бўлмади. Балки бу фикрат амалга ошироқчи бўлган мақсадларнинг акси бўлди. Чунки капиталистик фикрат кучайиб, тез тарқала бошлаган ва ҳукмронлик қилиш ва эксплуатация қилиш қудрати ортиб кетган эди. Уни қабул қилган давлатларнинг халқлари энди зулмдан дод-фарёд қилмайдиган бўлиб қолдилар. Балки турмуш даражасини кўтариш деб номланган сунъий нарса сабабли халқлар зулмни осон ҳазм қиладиган бўлиб қолдилар. Коммунистик давлатлар мустамлака қилган халқлар ва умматларнинг мустамлакачиликдан қилаётган дод-фарёди тинди ва мустамлакачиликнинг ҳукмронлиги ва нуфузи остида сохта мустақилликлар ва қўғирчоқ давлатлар суратида, ҳокимият ва ҳукмронлик кўринишларида мустамлакачилик карвонида у қаёққа юрса ўша ёққа юрадиган бўлиб қолдилар.

Шу сабабли оламни ўн саккизинчи асрдан буён то ҳозиргача ушбу бахтсизлик остида азоб чекаётгани ажабланарли эмас. Чунки оламда ҳукмронлик қиладиган фикрат капиталистик фикратдир. Ҳатто социалистик деб аталаётганлари ҳам, социализм ҳукмрон бўлган давлатлар ҳам — гарчи социалистик давлатлар деб номлансаларда — оламга ўз нуфузларини ёйишни ва уни эксплуатация қилишни тама қиладиган давлатлардир. Агар бу олам ушбу фикрат қуллигидан, оламдаги халқлар ва мамлакатларга нуфузи кириб борган ва оламни босиб олишни тама қиладиган давлатлар ҳукмронлигидан қутилмас экан унинг озод бўлишига умид қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам оламдаги мутафаккир ва мухлис кишиларнинг вазифалари оламни капиталистик мабдаъдан озод қилиш ва тамагир давлатларнинг чангалларидан қутқариш учун ҳаракат қилишдир.

Оламни озод қилиш ва қутқаришнинг ягона йўли — сиёсий ақида, фикрий пойдевор ва ҳаёт ҳақидаги дунёқараш бўладиган, ақлга қурилган, моддани фикр юритиш манбаи эмас, балки фикр юритиш ўрни қиладиган — коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги умумий фикрни пайдо қилишдир. Мана шу

умумий фикр, тўғрироғи мана шу сиёсий ақидагина оламни
эзаётган зулмдан, унда ҳукм сураётган эксплуатация қилиш,
ҳукмронлик ва нуфузлардан қутқара олади.

ИСЛОМ УММАТИНИНГ ВАЗИФАСИ

Ислом ақидасини коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги умумий фикрат, сиёсий ақида, фикрий асос, ҳаёт ҳақидаги муайян нуқтаи назар сифатида қабул қилган Ислом уммати оламда адашиб гандраклаб юрганини, сиёсий ва иқтисодий зулм остида тинкаси қуриётганини, шафқатсиз кучга қуллик қилиш учун бўйсунаетганини, бахтиқаролик, қуллик ва хорлик даҳшатлари остида инграётганини ва олам билан бирга ўзи ҳам шу аҳволга тушиб қолганини кўриб турган Ислом уммати оламни қутқариш ҳамда адашиш ва адаштириш зулматларидан ҳидоят нурига, ҳаёт саодатига олиб чиқиш вазифасини ўз зиммасига олиши лозим. Ислом уммати шафқатсиз куч зулми остида тинкаси қуриётган бўлса ҳам фақат ўзини ўйлаши жоиз эмас, зеро, худбинлик у қабул қилган ақидадан узоқ ва қалбида кўтариб юрган қийматлар ва фикрларга бегонадир. Шунинг учун ўзини қутқариш билан бир қаторда оламни қутқариш ҳақида ҳам ўйлаши ва фақат ўзини эмас, бутун оламни озод қилиш вазифасини зиммасига олиши керак. Зеро, Ислом уммати ҳам бу оламнинг бир бўлагидир. Ислом уммати инсониятни ҳидоят қилиш учун вужудга келган. У Ислом ақидасини қабул қилганидан бошлаб бутун инсониятни бахтсизликдан қутқариш, зулм ва мусибатдан, хорлик ва қулликдан халос этиш унинг устида фарз бўлиб қолди.

Ислом уммати ҳаёт ҳақидаги асосий фикрат— сиёсий фикратни, шунингдек бу фикратни ҳаётда ижро қилиш тариқатини қабул қилган. Бирор уммат тўғри фикратга тариқати билан эга бўлса, бу уммат, шубҳасиз инсониятга эзгулик беришга ва ушбу фикрат етакчилигини ёйишга лойиқдир. Шунинг учун Ислом уммати тўғри уйғонишга, шу билан бирга бошқалар учун эзгулик манбаи бўлишга ва одамларга ушбу фикратни фикрий етакчилик ва ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назар сифатида ёйишга ҳам қодирдир. Шунингдек у Ислом давъватини халқлар ва умматларга ёйиш орқали оламнинг муаммоларини ҳал қилишга ва у қулаб бораётган бахтсизлик, қуллик ва хорликдан қутқаришга ҳам қодирдир.

Ислом уммати ўз тарихида бирор умматдан енгилган эмас.

У бошқа халқлар ва умматлар билан бўладиган курашида — уларнинг кучлари қандай бўлишидан қатъий назар — мутлақо енгилмайди. Шунинг учун у оламга ҳукмрон бўлган давлатларнинг кучи қандай бўлишидан қатъий назар оламни қутқаришга қодирдир. Бир асрдан кўп давом этган салиб урушларида бўлган ишларга келсак, охири ғалаба мусулмонлар томонида бўлганидан ташқари, Европа халқларининг барчаси Ислом умматига қарши урушга чиққан бўлса ҳам, бу урушларда Ислом уммати ғарбга қарши исломий уммат сифатида урушмади. Ҳақиқат шуки, уруш Шом ва Миср ўлкаларида чекланган эди. Урушда қатнашганлар ҳам Шом ва Миср аҳли эди. Ғолиб бўлганлар ҳам Шом ва Миср аҳли эди. Ислом уммати эса давлатларга ўхшаб кетадиган вилоятларга бўлиниб кетган, мусулмонлар халифасининг бу вилоятлар устидан тўла ҳукмронлиги йўқ эди. Натижада Ислом уммати салибчилар билан урушга кирмади. Урушга фақат Шом ва Миср ўлкалари кирди. Бошқа вилоятлар эса бу урушда иштирок этмади, чунки бошқа волийлари — ўз салтанатларини мустаҳкамлаш билан машғулликларидан ташқари — кофирлар билан жиҳод қилиш фарзи кифоядир ва Шом ва Миср ўлкалари Ислом юртдан кофирларни тўсишга кифоя қилади деб билар эдилар. Ҳақиқатда ҳам кифоя қилар эди. Шунинг учун ҳам охири ғалаба мусулмонлар томонида бўлди. Салибчилар Шом ва Миср ўлкаларидан қувиб чиқарилди ва Ислом ҳукмронлиги бу ўлкаларга яна қайтди.

Аммо биринчи жаҳон урушида юз берган ишларга келсак, бу уруш Ислом умматига қарши салиб уруши эмас эди, гарчи унинг Ислом юртига қарши яширин турткилари биринчи салиб урушиникидан кўра кучлироқ, чуқурроқ ва таъсир кўлами кенгроқ бўлса ҳам. Бунинг сабаби, Англия ва унинг иттифоқчилари Германияга қарши биринчи жаҳон урушига кирди, Усманий давлат эса урушга Германия тараф бўлиб кирди. Шунга кўра бу уруш Европа давлатлари ўртасидаги — Усманий давлат ҳам иштирок этган, бироқ Ислом уммати иштирок этмаган — урушдир. Шунинг учун унда Британия қўшини сафларида мусулмон ҳиндлар иштирок этишган ва мусулмонларга қарши урушмасликни шарт қилишган.

Шунингдек унда мусулмон бўлсаларда англизлар томонда араб ўлкаларидан жуда кўп араблар ҳам қатнашди, гарчи чалғитувчи омиллар таъсирида қатнашган бўлсалар ҳам. Лекин бу ҳолатни енгиллатувчи нарса ушбу уруш Ислом умматига қарши экани очиқ маълум бўлмагани эди.

Демак Ислом уммати ўз тарихида Ислом уммати сифатида мутлақо енгилмаган. У Ислом уммати сифатида жанг қилган барча даврларда унинг учун ғалаба байроғи тикилар эди. У ўша вақтда маълум бўлган эски дунё мамлакатларининг кўпини фатҳ қилди ва мана шу улкан Ислом оламини вужудга келтирди. Шунинг учун Ислом уммати том маънодаги Ислом уммати бўлиб намоён бўлган вақтда оламни унда ҳукмронлик қилаётган ва унинг бошига турли туман бахтсизлик, хорлик ва қулликни солаётган ёвуз кучлардан халос этишга қодирдир.

Баъзан кўпчилик бир-биридан шундай деб сўраб қолади: «Ислом уммати бутун олам каби ушбу ёвуз кучларга бўйсунди. Барча одамлар каби у ҳам ҳукмронлик, бахтсизлик, хорлик ва қуллик аламларини тортмоқда. Ҳукмронликнинг барча турлари — сиёсий, иқтисодий, сақофий ва баъзи вақтларда ҳатто ҳарбий ҳукмронлик ҳамма одамлар қаторида Ислом умматига ҳам зўрлаб ўтказилмоқда. Бинобарин Ислом умматидан бошқаларни озод қилишни талаб қилиш ўрнига ҳукмронлик ва нуфуздан ўзини озод қилишни талаб қилиш муносиброқ бўлармиди, ҳолбуки унинг ўзи бошқалардан кўра озод бўлишга жуда ҳам муҳтождир? Фараз қилинг, Ислом уммати ҳақиқатан озод бўлди ёки озод бўлиш йўлига қадам қўйди. Ёвуз кучларнинг қаршилиги унинг қудратидан катта бўла туриб, бу кучларга қарши курашишга унинг қурби етмадими?»

Баъзан кўпчилик бир-бирига шундай саволлар беради. Гоҳо кўпчилик шу нарсалар ҳақида сўрайди. Агар бу каби саволлар пайдо бўлса, бу ҳол чалғитиш ва адаштириш омилларининг таъсиридан ташқари мусулмонларнинг табиатини билмасликнинг ва Исломнинг курашишдаги қудрати миқдорини идрок қилмасликнинг натижасида бўлади. Унинг чалғитиш ва адаштириш эканига келсак, умматни рисолатини оламга олиб чиқишдан буриб юбориш учун фақат

Ўзини озод қилиш билан машғул қилиб қўйиш, шунингдек мустахлақчиликнинг ҳукмронлигини яна ҳам мустахлақлашга, уммат оёғидаги кишанларни парчалашга эмас, балки зиёда қилишга олиб борадиган «озодлик» ҳақидаги фикрлар ва озод бўлиш учун ҳаракат қилишлар тузоғига давомли суратда илтириб қўйиш ашаддий душман кофирнинг адаштириш услубларидандир. Шунинг учун уммат оламни қутқариш учун даъватни олиб чиқиш ўрнига ўзи билан машғул бўлиб қолиши уни даъватидан буриб юборишнинг, мустахлақчилар ҳукмронлигини мустахлақлашнинг ва Ислоом юртларида қолиш муддатини узайтиришнинг воситаларидандир. Шундан уммат даъватни қўйиб ўзи билан машғул бўлиши, башариятни қутқариш учун ҳаракат қилиш ўрнига ўз ишлари билан бўлиши хатодир, хатарлидир.

Энди мусулмонларнинг табиатини билмаслик ва Ислоомнинг қудрати миқдорини идрок қилмасликка келсак, Ислоом агар инсоният эътиқодининг марказига ўрнашса ва башарият қалбида унинг уруғи пайдо бўлса инсонни ҳар қандай кучдан ҳам қудратли ва энг буюк шахсга, паҳлавонлар, ҳукамолар ва мутафаккирлардан ҳам юксак шахсга айлантиради. Ислоом ақидаси арабу ажамни халқ ва қабилалардан борлиқдаги энг баланд юксакликлардан жой олган буюк умматга айлантиргани бунга очиқ далилдир. Салиб урушлари тажрибаси мусулмонларнинг табиатидаги муслимда бирдан пайдо бўлиб қоладиган, уни қулдан хожага, мағлубдан ғоблибга айлантирадиган, тубанликнинг энг паст поғонасидан олийлик ва шон-шарафнинг энг юксак даражасига кўтарадиган фавқулудда куч борлигини кашф қилди. Ислоомнинг бошланиши билан салиб урушлари ўртасини қанча замонлар, турли воқеа-ҳодисалар ажратиб турган бўлса ҳам, Нуриддин Зангий ва Салоҳиддин Айюбийлар Холид ибн Валид ва Саъд ибн Абу Ваққослар каби бўла олдилар. Мусулмонларнинг матонати замондан кўра чуқурроқ, ҳар турли ҳодисалар олдида саботдан кўра саботлироқдир. Уларнинг табиати эса асл табиатдир. Асл нарса қанчалар муҳтожликларга дуч келмасин, қанчалар қувғину зулмларга учрамасин барибир асллигича қолади.

Ислом инсоннинг нафсиясини мана шундай тарбиялайди, Исломни қабул қилиб, оламга олиб чиқадиган авлодда мана шундай матонатни пайдо қилади ва — замонлар қанчалар узоқ бўлмасин, қанчалар турғунликлар бўлмасин — келгуси авлодларнинг қалбларига ўрнаштиради. Зеро, Исломнинг таъсир кучи кўз етмас жойларга етади, ақл ва идрокни лол қолдиради, инсон хаёлига келмаган ажабтовур ишларни пайдо қилади. Шунинг учун Ислом умматидан ўзини озод қилиш талаб қилинмайди, балки ундан оламда ҳидоятни тарқатиш, оламни бошига тушган ҳукмронлик, хорлик, қуллик, зулм, куфр ва залолат балоларидан қутқариш учун оламга Ислом даъватини олиб чиқиш талаб қилинади. Мана шундан Ислом умматидан фақат ўзини озод қилишни эмас, шу билан бирга бутун инсониятни қутқаришни ҳам талаб қилиш лозимдир. Зеро, Ислом уммати одамлардан жавобгардир. Одамлар орасида ҳидоятни тарқатишдан жавобгардир.

Ислом уммати ўзини қандай озод қилади-ю, одамларни қандай қутқаради? Буни ёзилган сўзлар эмас, амалий ишлар, битилган фикрлар эмас, улкан амаллар ҳикоя қилиши лозим. Уни одамларга қандай бўлиши сўзлаб берилмаслиги, балки одамлар уни воқеликда мавжуд ҳолда кўришлари лозим. Одамлар уни ҳаёт варақаларига воқеий суратда битиладиган Ислом тилидан ҳамда одамларга нур ва зиё бўлиб ёйиладиган Ислом ҳидоятдан тушуниб олсинлар. Демак савол кайфияти қандай бўлиши ҳақида эмас, балки хаёлда ҳам улкан бўлажак воқеликни кўз билан кўриш ҳақидадир.

Одамлар, хусусан мусулмонлар Ислом уммати ёвуз кучлардан — улар қанчалар бирлашмасин — қудратлироқ эканини билишлари лозим. Бунинг икки сабаби бор, биринчиси: Ислом уммати бошқа ҳеч қайси уммат эга бўлмаган жўшқин ва қудратли фикрат — коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги умумий фикратга эга бўлиб, шу вақтнинг ўзида ҳар қандай куфр давлатлари устида ғолиб бўлишнинг тўғри тариқатини ҳам беради. Шунинг учун ким бундай фикратга эга бўлса, унинг қудрати мағлубият нималигини билмайдиган қудрат бўлишининг ажабланарли ери йўқ. Иккинчиси: Ислом уммати бошқалар эга бўлмаган моддий кучга ҳам эга. Бу куч жуда улкан бўлиб, ҳеч қандай куч унга тенг кела олмайди. Бу

куч Ислом умматининг қўл остида ва тасарруфидадир. Шунинг учун Ислом уммати кирадиган курашнинг ҳолати ва у билан курашадиган кучлар қандай бўлишидан қатъий назар галаба Ислом учун кафолатлангандир.

Мавзу фақат битта бўлиб, у ҳам бўлса Ислом уммати мавзуидир. Ислом уммати ҳаракатга келган вақтда озод қилади, отилиб чиққанда қутқаради, наъра тортганда золимлар унга сажда қилган ҳолда йиқилишади. Демак ҳамма гап унинг ҳаракатга келиши, кейин отилиб чиқиши, кейин наъра тортишидадир. Шунда бахт-саодат, хотиржамлик ва барқарорлик бўлади, бутун инсоният тараққий этади ривожланади. Демак ҳамма гап Ислом уммати шу борлиқда ҳаракатга келишидадир.

Аллоҳ таолонинг борлигига воқеликка мувофиқ бўлган қатъий тасдиқлаш ва далилдан келиб чиққан қатъий иймон билан ишонадиган ва у фикр эмас, ҳақиқат деб биладиган Ислом уммати ҳаётнинг маъносини яхши тушунади, унинг вазифасини тўла идрок этади. Муҳаммад (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) Аллоҳнинг пайғамбари ва элчиси деб ва Аллоҳнинг барча оламларга юборган элчиси, деб эътиқод қиладиган Ислом уммати ўз олдидаги бурчини ва башарият олдидаги вазифасини тушунади. Аллоҳнинг китобига иймон келтириб, уни билиб олган, Муҳаммад (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)нинг суннати ва сийратларига эътиқод қилган ва билиб олган Ислом уммати сиёсат ва урушнинг маъносини тушунади, куфр кучларига қарши қандай курашишни, зулму тугён тахтларини қандай силкитишни билади. Ислом уммати Бадр воқеасини билади, у жангни идрок қилади ва қалбида уни тирилтиради. Шунинг учун у тижоратию молини ташлаб, зулм ва куфр кучларига қарши — гарчи бу кучлар ундан бир неча баробар кўп бўлсада — дадил курашишига ажабланмаса ҳам бўлади.

Ислом уммати Аллоҳ таолонинг ушбу

﴿الْفَن حَفَفَ اللَّهُ عَنْكُمْ وَعَلِمَ أَنَّ فِيكُمْ ضَعْفًا ۚ فَإِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ مَائَةٌ صَابِرَةٌ

يَغْلِبُوا مِائَتَيْنِ ۚ وَإِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ أَلْفٌ يَغْلِبُوا أَلْفَيْنِ بِإِذْنِ اللَّهِ ۗ وَاللَّهُ مَعَ الصَّابِرِينَ

- «Энди Аллоҳ сизларнинг (юкинғизни) енгил қилди,

сизларда ожизлик борлигини билди. Бас, сизлардан юзта сабр-тоқатли киши бўлса, икки юзта (кофирни) енгар. Агар сизлардан минг киши бўлса, Аллоҳнинг изни билан икки минг (кофирни) енгар. Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир».
[8:66]

оятини ўқиган пайтида агар ўз қувватидан душманининг қуввати икки баробар ортиқ бўлмасада унга қарши урушиши фарз эканини ва бу фарз қилинган энг енгил ҳолат эканини билади ва шунинг учун икки баробар кўп бўлмаган пайтда ёвуз кучларга ҳужум қилишда иккиланмайди.

Аҳзоб ғазотини ва Исломни йўқ қилиб ташлаш учун турли қабилалардан куфр кучлари мусулмонларга қарши қандай жамланганини билган Ислом уммати ёлғиз ўзи бутун оламга қарши туриши, сиёсатни ҳарбий томонга юргизиши, ақл заковати ва маҳоратини урушга тайёрланиш ва куч тўплаш томонга қаратиши ажабланарли ҳол эмас. Ислом уммати Аллоҳ таолонинг Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)га хитобан нозил қилган ушбу:

﴿فَقَاتِلْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ لَا تُكَلَّفُ إِلَّا نَفْسَكَ﴾

- «Бас, (эй Муҳаммад), Аллоҳ йўлида жанг қилинг. Гарчи ёлғиз бўлсангиз ҳам жанг қилинг, (зеро, сизга ғалаба ваъда қилингандир)».
[4:84]

оятини ўқиган пайтида мудофаа ҳолатида то ўзидан душманни даф қилгунча ёки уни бутунлай йўқ қилиб юборгунча унинг кучи қанча кўп бўлмасин, ўзи эса қанчалар заиф бўлмасин, бундан қатъий назар унга қарши урушиши лозимлигини билади.

Ҳудайбийя умраси воқеаларини, Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)га Хайбар яҳудийларининг Қурайш билан Муҳаммадга Мадинада ҳужум қилиб, йўқ қилиб юбориш мақсадида иттифоқ тузиш учун музокаралар олиб боргани хабари етган пайтда Қурайш билан сулҳ тузиш учун умрага қасд қилганларини, у билан сулҳ тузиб, унинг ёмонлик қилмаслигига хотиржам бўлгач, Хайбар яҳудийларига қайтиб, улар билан жанг қилиб, уларни вужуд сифатида йўқ қилиб юборганларини ўқиган Ислом уммати давлатлар унга қарши йўқ қилиб юбориш учун уюшган пайтда

нима қилишни, душманлари уюшишини тўсиш, ёмонликларидан сақланиш ва ўзларини тор-мор қилиш учун уларга қарши қандай зарба беришни билади. Ислом уммати Аллоҳ таолонинг ушбу:

﴿وَأَمَّا تَخَافُ مِنْ قَوْمٍ خِيَانَةً فَانْبِذْ إِلَيْهِمْ عَلَى سَوَاءٍ﴾

- «Агар (ўрталарингизда аҳд-паймон бўлган) бирон қавм тарафидан хиёнатни сезсангиз, уларга (қилган аҳд-паймонларини) баб-баробар қилиб ташланг». [8:58]

оятини ўқиган пайтида аҳд ва битимларнинг асири бўлиб қолмаслигини, гарчи аҳдларга вафо қилишга буюрилган бўлса ҳам, ёмонликни сезган пайтида бу аҳдларни дарҳол бекор қилишни билади.

Макка уруш ва сулҳ билан фатҳ қилинганини идрок қилган Ислом уммати, Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) Маккага киргач: «Менга ансорлани чақиринглар», дедилар. Ансорлар хозир бўлишгач, уларга: «Қурайшнинг разил ва тубан кишилари урушга ҳозирланишмоқда, уларни қириб ташланглар!», дедилар ва бир кафтини, иккинчиси билан эздилар», мана шу воқеаларни билган Ислом уммати Ислом аскарлари бирор мамлакатга кирса унинг аҳолисига осонлик беришларини, агар бу мамлакат уруш қилиш ҳақида ўйлаб қолса, уни янчиб ташлаш ва кучларини йўқ қилгунча урушиш лозимлигини билади. Ислом уммати Аллоҳ таолонинг ушбу:

﴿فَمَا اسْتَقَمُوا لَكُمْ فَاسْتَقِيمُوا لَهُمْ﴾

- «Модомики улар аҳдларида барқарор турар эканлар, сизлар ҳам аҳдларингизда турунгангиз!» [9:7]

оятини ўқиган пайтида душманнинг тўғри бўлиши мусулмонларнинг тўғри бўлишлари учун шарт эканини, мўъмин ўта зийрак ва хушёр бўлиб, душмани таслим бўлган ва урушмаслик ҳақида аҳдлашган бўлса ҳам унинг биронта ҳаракатидан ғафлатда қолмаслиги лозимлигини билади.

Макка саккизинчи йилда фатҳ қилинганини, Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) мушрикларга ҳаж қилишлари ва Байтуллоҳни ялонғоч тавоф қилишларига рухсат берганларини ва улар билан сулҳ тузишга мажбур

бўлганларини билган; бу ҳол мусулмонларнинг дилларида алам бўлиб қолганини ва бу нарса мушрикларнинг кучи мусулмонларнинг кучидан кўплигини эътиборга олишдан ва жангчиларнинг қувватсизликларидан содир бўлганини билган: тўққизинчи йилда Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)га «Бароат» ёки «Ҳарб» сураси (бу сура «Тавба» сураси ҳам дейилади) нозил бўлганда уни Қуръонга «Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим» калимасисиз киритишга буюрганларини, ҳаж амири Абу Бакр Сиддиқ (Разияллоҳу анҳу) «Тавба» сурасини одамларга етказиши ва ушбу машҳур уч буйруқни, яъни 1. Шу йилдан кейин мушрик ҳаж қилмайди. 2. Байтуллоҳни ялонғоч одам тавоф қилмайди. 3. Ким маълум муддатгача аҳдлашган бўлса, аҳд ўша вақтгача ўз кучида қолади, тўрт ойдан сўнг мушриклар Исломни қабул қилишлари лозим, акс ҳолда уларга қарши бутунлай йўқ қилиб юборилгунларича жанг қилинади: ё Ислом, ё жанг, шу уч буйруқни эълон қилиши учун Алий (Разияллоҳу анҳу)ни у кишининг ортидан юборганларини билган Ислом уммати агар мажбурий омиллар сабабли шармандали муросаларга рози бўлган бўлса, бунга жим қараб турмасдан бундай аҳдларни душманларини янчиб ташлайдиган куч тайёрлаб, мумкин қадар жуда тез вақтда бекор қилиш лозимлигини идрок қилади. Шунингдек Ислом уммати ўз орасида бирон бегона вужуднинг бўлиши, ўз ичида ёки ўз ўлкаларидан биронтасининг ичида ҳаёт тушунчаларидан қайси бирида бўлмасин эркин бир куч бўлиши мумкин эмаслигини, Умमत орасида Ислом овозидан бошқа овоз кўтарилмаслиги лозимлигини ҳам идрок қилади. Ислом уммати Аллоҳ таолонинг ушбу

﴿وَلِلَّهِ الْعِزَّةُ وَلِرَسُولِهِ وَلِلْمُؤْمِنِينَ﴾

- «Ҳолбуки куч-қудрат Аллоҳники, Унинг пайғамбариники ва мўъминларникидир». [63:8]

оятини ўқиган пайтида Ислом юртларида Исломдан бошқанинг куч-қудрати бўлмаслигини билади.

Ислом уммати Китоб ва Суннатдан, пайғамбаримиз сийратларидан бу ва бошқа оят-ҳадисларни, воқеа-ҳодисаларни ўқиганида сиёсат ва жанг унинг қуруқ

маълумотларидан бири бўлиб қолмайди, фақат ўрганадиган мавзу ва тажрибалардан бўлиб қолмайди, фақат эҳтиёжидангина келиб чиқмайди. Балки сиёсат ва жанг Ислом уммати ақидаларидан келиб чиққан фикрлар, Ислом шариатидан олинган ҳукмлар бўлади, сиёсат ва жанг Ислом уммати қалбининг ич-ичигача кириб борган, қон-қонигача бутун танасига сингиб кетган бўлади. Бинобарин Ислом уммати буюк давлатларнинг сиёсатини ўрганган вақтида уни бир воқелик сифатида шариат фикрлари ва ҳукмлари билан муолажа қилиш учун ва бу воқелик тақозо этадиган сиёсат ва жанг билан унга қарши курашиш учун ўрганади. Ислом уммати қандай ҳаракат қилишни жуда яхши идрок қилади ва йўл қаерда эканини ҳам билади. Ислом уммати уни Англия бир халқ сифатида мустамлака қилаётганини, Франция унга бир вужуд сифатида ҳужум қилаётганини, Россия унинг устидан бир уммат сифатида ҳукмронлик қилаётганини ва Ислом умматига — гарчи у жуда кўп халқлардан иборат бўлса ҳам — битта уммат сифатида нуфузини кенгайтираётганини кўрган пайтида мана шу мустамлака, ҳужум, ҳукмронлик ва нуфудан Ислом уммати бутун бир Уммат сифатида кўзланган мақсад эканини идрок қилади ва Ислом умматини эксплуатация қилиш, унга ҳужум қилиш, устидан ҳукмрон бўлиш ва унинг ерларига нуфузини ёйиш фақат унинг юртини давлатларга бўлиб юбориш, сафларини халқларга ажратиш ташлаш ва динини ҳаётдан узоқлаштириб, қудратининг сирини йўқ қилиш орқали амалга ошишини идрок қилади.

Ислом умматини мустамлака қилиш, унга ҳужум қилиш, устидан ҳукмрон бўлиш ва унинг ерларига нуфузини ёйишдан асосий мақсад моддий томон ҳам эмас — гарчи у рўёбга чиққан бўлсада — ва Ислом юртлари бойликларини талон тарож қилиш ҳам эмас — гарчи бу ҳол давом этаётган бўлсада — балки асосий мақсад ва асл туртки Ислом уммати жанг ва фикр майдонларида тўла мағлуб бўлганидан кейин у яна рисолатини оламга ёйиш учун қайтмаслиги ҳамда ёвуз кучларни парчалаб ташлаши ва туғён қалаъаларини вайрон қилишидан қўрқиш эди. Ҳа асос ва асл шу эди. Бутун масала шунда эди. Демак мавзу мустамлака қилишнинг ўзи эмас,

балки мавзу бу умматни тамоман парчалаб ташлаш ва Ислом уммати сифатида мавжудлигини йўқ қилишдир, токи оламга Ислом рисолатини ёйиш учун яна қайтмасин. Асосий мақсад шу бўлиб, эксплуатация қилиш, бойликларни талон тарож қилиш эмаслигига тарих ва мусулмонларнинг хорланиши воқелиги ҳужжат сифатида кифоя қилса ҳам, лекин бу масаланинг ҳақиқий воқелигини иккинчи жаҳон урушида коммунистик давлатлар билан капиталистик давлатлар Германия устидан ғалаба қозонганларидан кейин Германия ҳодисалар ва Германия масаласининг ҳақиқати орқали кўз олдимизга келтириб ақлимиз билан идрок қила оламиз. Мана Германия буюк уммат. Даҳшатли куч. Унга нисбатан коммунистик ва капиталистик кучлар битта мавқеда (позецияда), яъни у аввалгидек яна қайта буюк уммат бўлишига қаттиқ қаршилик қилиш мавқеида туришди. Токи у яна ҳаммага хатарни юзага келтирмасин. Германия коммунизмга тўсиқ бўлган ва Европани Россия ҳужумидан ҳимоя қиладиган қудратли куч бўлиб қолиши капиатлистик давлатларнинг манфаати бўлиб, улар буни иккинчи жаҳон урушидан кейин то эллингинчи йилларнинг охиригача яққол ҳис қилиб турар эдилар. Лекин Россиянинг Германия бўйсунишда давом этишини хоҳлаб қаттиқ туриб олиши ва яна қайта буюк уммат бўлишига тўсқинлик қилиши, Франциянинг Германиядан хавфи, Англия мавқеининг беқарорлиги, Американинг Европа давлатлари ўртасида мувозанат йўқолишидан қўрқиши, шуларнинг ҳаммаси оламдаги кучларни Германия яна буюк уммат бўлишининг олдини олишга бирлаштирди. Бундан мақсад Германияни мустамлака қилиш ва унинг бойликларини талон тарож қилиш эмас — гарчи ҳукмронликни ўрнатиш, нуфузни ёйиш ва Германия иқтисодини ва кучини эксплуатация қилиш амалда бўлаётган бўлса ҳам — зеро, эксплуатация қилиш ва нуфузни ёйиш асосий туртки эмас, балки асосий туртки Германия хатаридан сақланиш ва унга қарши иттифоқ қилган бу давлатлардан ҳар бири ўз юрти, хавфсизлиги ва давлатини ҳимоя қилиш эди. Бу халқларга таҳдид соладиган фикратга, яъни коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги умумий фикратга эга бўлмаган, оламга улуг бир даъватни ёймайдиган Германияга

нисбатан шундай муомала қилинди. Энг қудратли фикратга эга бўлган, энг катта даъватни ёядиган ва Германиядан куч, сон ва бойликда қудратли бўлган Ислом умматига нисбатан бу каби муомала қандай қилинмасин?! Мана шу битта мисолнинг ўзи тарихга мурожаат қилмасак ҳам, Ислом уммати устига тушган мустамлака, ҳужум, ҳукмронлик ва нуфузларнинг ҳақиқатини идрок қилиш учун уларни кўз олдимизга келтиришга кифоя қилади. Шунинг учун Ислом юрти масаласи ўзининг ҳақиқий ўрнига қўйилиши, ҳақиқий сурати баён қилиниши ва унинг муолажаси учун фақат Ислом уммати асосида иш олиб борилиши лозим.

Душман давлатларнинг Ислом умматини мустамлака қилиш, унга ҳукмронлик қилиши ва унинг ерлари узра ўз нуфузини ёйиши бир неча босқичларда бўлиб ўтди. Биз ҳозир бу жараённинг энг охири босқичида турибмиз. Ислом умматини ўлдириш учун отилган ўқ ўз ҳарорати ва тезлигини йўқотадиган масофага бориб етди. Душман — қурбон жон талвасасининг энг охири даврига етди, деб ўйлапти. Аслида эса у ҳамон тирик, унинг билими ва қуввати яна ҳам зиёда бўлди. Шунинг учун ҳаракатга келиши игларигидан кўра енгилроқ ва ўтган ҳар қандай вақтдагидан кўра муваффақиятга яқинроқ бўлиб қолди. Оламнинг унга ва унинг даъватига бўлган эҳтиёжи жуда ҳам катта. Шунинг учун Ислом уммати бу бахтсиз оламини қутқариш учун ҳаракат қилишининг вақти келди.

Ўн учинчи ҳижрий — ўн еттинчи милодий аср. Ислом умматининг қудрати ниҳоят даражада ортган, шон-шухрати юксакликларга кўтарилган, «Ислом қўшини енгилмас», деган ҳақиқатни ҳеч ким инкор қилмайдиган бир давр. Мана шу даврда унинг душманлари унга қарши ҳужумини бошлади. Бироқ улар Ислом умматининг шахслари ва жамиятига қарши ҳужумни фикрий ҳужум билан бошлашди. Кейин Европада саноат инқилоби бўлгач, душманлар бу фурсатни ғанимат билиб, уни фикрий ҳужум учун восита ва сиёсий ҳужум учун қурол қилдилар. Ҳарбий ҳужум учун эса куч сифатида фойдаландилар. Ислом умматини жамлаб турган халифаликни тугатишдан ожизликларини ҳис қилишгач, унинг атрофларини ундан ажратиб ташлаш услубини қўллаб, Ислом юртини

алоҳида мамлакатларга парчалашни бошлаб юбордилар ва охири мусулмонларнинг халифасини йўқ қилишди.

Тарих Наполеон ҳақида сўзлайди: У Мисрга юриш қилиб, уни босиб олган пайтда зобитлар ва қўмондонларини катта гилам тўшалган кенг хонага тўплади. Гилам ўртасига бир шляпани қўйиб, зобитларга: «Сизлардан ким менга шляпани олиб келади?» деди. Бир зобит уни олиб келиш учун борганда, унга: «Гиламни босма», деди. Бошқаси узун ёғоч билан олишга уринди, Унга: «Қўлинг билан ол», деди. Яна бошқа зобитлар ҳам шляпани олишга уринишди. Бироқ ҳеч ким уни Наполеон талаб қилгандай қилиб олмади. Шунда Наполеон уларга: «аввал гиламни ўраб, кейин шляпани оламиз», деди. Сўнг уларга қараб деди: «Бу шляпа бамисоли халифалик бўлса, гилам бамисоли Ислому юртидир. Фақат гиламни ўраб шляпани олиш мумкин бўлганидек халифаликни йўқ қилиш учун ҳам — ҳудди гиламни ўрагандек — унинг ерларини бир чеккадан қўлга олинади. Кейин халифаликни осонликча йўқ қилиш мумкин бўлади». Мана биз Мисрни эгалладик. Энди Шомни эгаллаймиз. Халифаликни йўқ қилгунимизча шундай давом этамиз.

Фарб давлатлари биринчи жаҳон уруши бўлгунча Ислому юртларини шундай биттама-битта парчалаб борди. Улар бу урушга ғалаба қозонганларидан кейин халифаликни йўқ қилишга, Ислому юртларини мустамлакаларга, сўнг давлатларга бўлиш орқали Ислому умматини парчалаб ташлашга ва мусулмонларнинг сафларини халқлар ва миллатларга бўлиб ташлашга имкон топдилар. Кейин Ислому умматини забт этиб, парчалаб ташлашга қодир бўлдилар. Ҳозир эса охири нафасини ҳам чиқариб, бутунлай йўқ бўлиб кетиши учун ҳаракат қилмоқдалар. Ислому уммати устида айланган бу босқичлар охирига етди. Душман биз қарши чиқишга кучимиз етмайдиган кучларини олиб чиқиб кетди. Унинг фикрий нуқсонлари кучларини олиб чиқиб кетди. Унинг фикрий нуқсонлари ва дунёқарашининг бузуқлиги барча одамларга ошкор бўлди. Думаннинг малайлари шарманда бўлишдики, энди уларнинг ёлғон ва алдовлари ҳатто улардан манфаатдор бўлганларга ҳам, қўл остидаги тобеларига ҳам ўтмай қолди. Душманнинг нуфузи энди

махфий қилиб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолди. Исроил, Кипр ва Ливан каби ҳужум учун қулай жой қилиб олган базалари ҳам ларзага келди. Шунинг учун Ислом юртларидан уни улоқтириб ташлаш ва Ислом уммати устидан унинг даҳшатларини олиб ташлаш ҳамда Ислом даъватини бутун оламга ёйишга қулай фурсат келди. Бу фурсат жуда ҳам узун муддатни ўз ичига олади. Бир неча ойлар ва йилларда тугамайди, балки жуда кўп йилларга чўзилиб кетади. У ҳар куни кечагидан кўра янада қулайроқ бўлаверади. Чунки кундан-кунга душманларнинг фош бўлиб, ёлғонларининг миси чиқиши ортиб бормоқда. Ислом юртларидан чангалининг кўтарилиши тўхтовсиз давом этмоқда. Шунинг учун Ислом уммати шубҳасиз тез кунларда ҳаракатга келади. Зеро, Ислом уммати душманлари қилган ва қилаётган хийла найранглар ва зўравонликларни, бу душман қандай даражага етганини кўриб турибди. Бу эса бизнинг улкан ғалабага бўлган ишончимизни мустаҳкамлайди.

Оламдаги барча давлатлар Ислом умматига душмандир. Чунки улар кофир давлатлардир. Улар ҳар доим мусулмонларга озор бериш, бўлиб ташлаш ва тарқатиб юбориш учун қулай фурсатларни кутиб туришади. Ислом бизга бутун олам фақат икки диёрда — Ислом диёри ва куфр диёридан иборат эканини ўргатди. Мусулмонлар куфр диёри аҳолисини «аҳли ҳарб» (уруш аҳли) деб ҳисоблайдилар. Мусулмонлар улар билан ҳукман уруш ҳолатидадирлар, яъни уларнинг ҳукми «аҳли ҳарб»дир. Ёки улар билан Ислом уммати ўртасида уруш эълон қилинган пайтда эса амалий уруш ҳолатида бўладилар. Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) дедилар: «Одамларга «Ло илоҳа иллаллоҳу, Муҳаммадур росулulloҳи», дегунларигача урушишга буюрилдим. Агар шундай десалар мендан қонлари ва молларини сақлаб қоладилар. Магар (шариат белгилаган) ҳақлардан сақлай олмайдилар». Бу ҳадисда зикр қилинган «ан-нос» (одамлар) сўзи алиф ва лом билан бирга келган исми жинс бўлиб, у барча асрлардаги барча кофирларни англатади. Лекин Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)нинг амаллари куфр диёри Ислом диёрига айлангунча урушиш эди. Агар айланса урушни тўхтатар эдилар ва

одамларни Исломни қабул қилишга мажбур қилмас эдилар. Чунки Аллоҳ таоло:

﴿لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ﴾

- «Динда мажбур қилиш йўқ» [2:256]

деган. Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) ҳам: «Бирор киши динидан қайтишга мажбур қилинмайди», деганлар. Биз одамларни эътиқод қилишаётган ва ибодат қилишаётган нарсаларида ўз ҳолларига қўйишга буюрилганмиз. Демак кофир давлатларнинг барчаси — модомики куфр диёри экан — уруш қилинадиган давлатлардир.

Бироқ ўз ҳукмронлигини Ислом юртларига ўтказётган буюк давлатлар Ислом юртларига нисбатан хатари энг кўп ва адовати қаттиқ давлатлардир. Улар оламга ҳукмронлик қилишмоқда ва унинг бошига турли зулм ва кулфатларни солмоқда. Шунинг учун Ислом уммати оламни бу давлатлардан қутқаришга, уларга қарши туришга, исломни етказиш ва даъватни ёйишнинг бир ҳолати сифатида улар билан сиёсий курашга киришишга, агар даъватни ёйиш ва Ислом юртларини озод қилиш, уларни мудофаа қилиш амалий урушни тақазо этса уларнинг ҳар қайсиси билан амалий урушга киришиш учун етарли куч тайёрлашга жавобгардир. Шу туфайли мусулмонлар доимий жиҳод ҳолатидадирлар. Жиҳод Қиёматгача боқий қолади ва давом этади. Жиҳод намознинг фарзлиги каби фарздир. Бу фарз душманни даф қилишга ёки юртни озод қилишга ёки ёйиш вожиб бўлган ерларда даъватни ёйишга кифоя қиладиган даражада куч ҳосил бўлмагунча бирорта мусулмондан соқит бўлмайди. Шу сабабдан жиҳод Ислом умматининг табиатига айланиши вожиб бўлган сифатдир. Чунки жиҳод оламга даъватни ёйишнинг тариқатидир.

Жаҳонда ҳукмрон бўлган буюк давлатлар иккита: Америка ва Россиядир. Мусулмонларга нисбатан куфрнинг боши деб ҳисобланадиган ифлос ва маккор давлат Англия кейин Франциядир. Франция Ислом юртларининг баъзисида нуфузни ўрнатишга ва Ислом юртларидан қудрати етган жойларда нуфузини ва ҳукмронлигини ёйишга тинимсиз

ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун давомли сиёсий кураш мазкур давлатларнинг ҳаммаси билан бўлади. Аммо қолган кофир давлатлар эса ҳозирча бу мавзуга кирмайди.

Шу ерда бир савол тугилади: Бу давлатлар билан курашиш ҳаммаси билан бирданига бўладими — бу эса тўғри сиёсат бўлмайди — ёки кучлар бизга қарши уюшмаслиги учун кураш баъзи давлатлар билан бўлиб, бошқалари билан эса сулҳ тузиладими? Бунинг жавоби: Кофирлар билан бўлган кураш икки жиҳатда бўлади. Бири фикрий кураш бўлиб, уни сиёсий кураш дейилади. Иккинчиси қонли кураш бўлиб, у амалий уруш, яъни жиҳоддир. Аммо фикрий кураш, яъни сиёсий кураш ушбу давлатларнинг ҳаммаси билан бирданига бўлиши шарт, бу курашда биронта давлат билан келишилмайди. Чунки Ислом мабдаи билан капиталистик ва социалистик-коммунистик мабдалар ўртасидаги зиддиятларнинг табиати улар ўртасида қарама қаршилиқлар тинимсиз давом этишини тақозо этади. Зеро, бу давлатлар сиёсий амалларни ҳукмрон бўлиш ва нуфузини ёйишнинг тариқати қилиб олганлар. Шунинг учун давлатлараро воқеликнинг табиати ҳамма билан доимий суратда сиёсий кураш олиб боришни тақозо этади. Аммо қонли уруш, яъни амалий урушга келсак, уни шарт-шароитлар ва ҳолатлар белгилайди. Бу ҳолат бошқа ҳолатларни қўллаш қийин бўлиб қолганда ёки мумкин бўлмай қолган вақтда мурожаат қилинадиган охири ҳолатдир. Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) Ҳудайбия ва Хайбар жангларида қилганларидек, баъзи давлатларга уруш қилиш бошқа давлатлар билан вақтинчалик сулҳ тузганлар. Шунингдек Қурайш билан урушишга имкон топиш учун бошқа қабилалар билан вақтинчалик сулҳ тузганлар. Қурайшнинг ёмонлигидан қутилгач, Рум давлати билан амалий жангга кирдилар. Демак бир давлат билан вақтинчалик сулҳ тузиш ва бошқа давлат билан жангга кириш жоиздир. Мана шу йўлни қўллаш мумкиндир. Зеро, Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) шундай қилганлар. Гоҳо кучларнинг миқдори ва шарт-шароитлар Ислом умматини вақтинчалик сулҳ тузишга мажбур қилиб қўяди, бу ҳолат урушнинг бошида бўладими ёки Ислом юртларига икки ё кўпроқ давлат ҳужум қилган

пайтда бўладими фарқи йўқ. Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) Аҳзоб жангида араб қабилалари ҳужум қилиб у зотни Мадинада қамал қилган пайтда уларнинг ҳаммасига қарши жанг қилиш учун қўзғалдилар. Лекин қамал чўзилиб кетган вақтда ва уруш учун тўпланган қабилаларнинг кучи Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)ни ва унинг давлатини йўқ қилиб юборишидан қўрққан вақтларида баъзи қабилалар билан қайтиб кетишса мол бериш шарти билан сулҳ тузишга қасд қилдилар. Агар икки Саъд, яъни Саъд ибн Убода ва Саъд ибн Муоз Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)га: «Биз уларга молимизни ҳеч қачон бермаймиз. Биз кофир бўлган пайтимизда ҳам уларга бирон нарса бермаганмиз, энди Аллоҳ бизни Ислом билан улуғлаб қўйган пайтда берамизми?!» демаганларида... . Мана шу вақтда Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) сулҳ борасидаги фикрларини ўзгартирдилар ва мусулмонлар билан сулҳ тузиш учун келганларга: «Жўнағлар, сизларга қиличдан бошқа нарса берилмайди», дедилар ва қабилаларнинг ҳаммасига қарши Аллоҳ таоло ғолиб қилгунча жанг қилдилар. Демак бир давлат билан уруш қилиш ва бошқа давлат билан вақтинчалик сулҳ тузиш жоиз. Шунингдек кучи қанча бўлишидан қатъий назар уюшган давлатларга қарши урушиш ҳам жоиз. Қайси йўлни белгилашни шарт-шароитлар кўрсатади. Совуқ уруш деб номаланган нарсанинг ҳукми бу ерда амалий уруш ҳукмидадир. Чунки у амалий урушга олиб боради ва шунингдек биз билан совуқ уруш ҳолатида бўлган давлат фаразан амалий урушга кирса ғалабага етарли кучлари бўладиган бўлса, совуқ уруш қўлланади. Демак бизнинг кучларимиз душманамиз кучларининг яримича бўлса, амалий урушга ва совуқ урушга кирамиз. Шунингдек агар улар бир иттифоққа уюшсалар уларнинг ҳаммасига қарши туришимиз ҳам жоиз. Бу ўринда душман давлатлар ўзларини ҳимоя қилиш ёки бизга таҳдид солиш учун уюшишлари билан бизга қарши амалий урушга уюшган ҳолда киришлари ўртасида фарқ йўқ. Биринчи ҳолатга иккинчи жаҳон урушидан кейин коммунистик ва капиталистик лагерлар ўртасидаги ҳолат, иккинчи ҳолатга эса иккинчи жаҳон урушида иттифоқчи

давлатларнинг Германияга қарши ҳолатини мисол қилиш мумкин.

Йигирманчи асрнинг етмишинчи йилларида бутун Ислом умматини ушбу тўрт давлат ҳукмронлиги ва нуфуздан, яъни мустамлака ва нуфуздан озод қилиш масаласи Ислом уммати олдидаги муҳим вазифага айланди. Фақат озод қилиш учунгина курашга киришимиз тўғри бўлмайди. Балки бутун оламга даъватни кўтариб чиқиш ва уни ҳозирги аҳволдан қутқариш учун ҳаракат қилишимиз зарур. Озод қилиш мақсад эмас, васила бўлади. Чунки вазифамиз Ислом даъватини оламга ёйишдир. Озод қилиш аниқ ва равшан ишдир. Зеро, аслида биз мустамлакачи уммат эмас, даъватни ёядиган умматдирмиз. Уруш Аллоҳ таолонинг калимасини олий қилиш учун бўлсагина «жиҳод» бўлади. Ҳатто озод қилиш жиҳоди ҳам Аллоҳнинг калимасини олий қилиш учун бўлиши зарур. Биз Фаластинни озод қилиш учун урушаётган пайтимизда Ёфа апелсинлари учун урушмаймиз ёки ватанимизни ўзимизга қайтариб олишимиз учун урушмаймиз, балки Аллоҳнинг калимаси олий бўлиши учун урушамиз. Бунга эса озод қилиш орқалигина эришилади. Демак уруш озод қилиш учун эмас, Аллоҳнинг калимасини олий қилиш учундир. Ҳолат шуни тақозо этгани сабабли биз Сенегал, Нигерия ва Суданни озод қилиш ва уларни куфр диёридан Ислом диёрига айлантириш учун урушганимизда то Жазоирни озод қилмагунимизча Родезия ҳудудларида тўхтаб қолмаймиз. Индонезияга ўтмагунимизча Конго ҳудудларида тўхтаб турмаймиз. Балки шароитлар ва ҳолатлар тақозосига биноан, кучимизга қараб даъватни ёйиш учун жиҳод қилишда давом этаверамиз. Зеро, биз — аҳолиси Покистон сингари мусулмон бўладими ёки Ҳиндистон каби кофирлар бўладими барибир — ҳамма куфр диёрини Ислом диёрига айлантириш учун урушамиз. Шу туфайли маскур тўрт давлат билан бўладиган кураш озод қилиш учун эмас, Ислом даъватини ёйиш учун бўлиши керак. Мусулмонлар зиммасидаги ҳал қилиниши лозим бўлган масала озод қилиш масаласи бўлса ҳам, бироқ кураш Ислом даъватини ёйиш учун бўлиши керак. Гарчи бу иш Ислом юртларига нисбатан озод қилиш орқали амалга ошса ҳам. Ҳаттоки озод қилишнинг ўзи ҳам Аллоҳнинг

калимасини олий қилиш учун бўлиши шарт.

Юқорида — душман давлатларнинг Ислом юртларини мустамлака қилиши ўзининг охириги босқичига етди ҳамда мустамлакачиликка қарши чиқиш ва уни қувиб юборишга қулай фурсат етди, — дедик. Бу шубҳасиз ва яққол кўриниб турган воқеликдир. Чунки душман ўз ҳукмронлиги ва нуфузини пайдо қилиш ҳамда бу ҳукмронлик ва нуфузни сақлаб қолиш учун сиёсий амалларни қўллайди. Ҳарбий кучга эса баъзи ҳолларда ва уни ишлатиш ўзига хавф туғдирмайдиган ҳолатдагина мурожаат қилади. Шунинг учун душман билан курашишда сиёсий амаллар кифоя қилади. Душман ҳарбий кучга мурожаат қилиш ҳақида ўйласа унга хавф-хатар туғдириш учун куч тайёрлаш ва шаҳидликка тайёрланиш кифоя қилади. Бу икки иш, яъни сиёсий амаллар ҳамда шаҳид бўлишга тайёрланиш ва душманга хавф туғдириш учун етарли куч тайёрлаш озод қилиш учун, яъни даъватни ёйиш ва озод қилишда муваффақиятга эришиш учун кифоя қилади. Шунинг учун Ислом умматининг энг муҳим вазифаси сиёсий амалларни пухта қилиб, жиҳод учун тайёргарлик кўришдир. Шу сабабли иш энди осон кўчади. Чунки душманнинг моддий кучларига баробар келадиган моддий кучга ҳам, тўрт буюк давлатнинг кучига баробар келадиган кучга ҳам, ҳатто уларнинг ичидаги энг заифининг кучига баробар келадиган кучга ҳам ҳожат йўқ. Чунки озодлик учун сиёсий амаллар ва эҳтимоли бор чекланган ҳарбий аралашидан эҳтиёт бўлиш кифоя қилади. Шу туйғайли ҳеч кимга озод қилиш ва даъватни ёйиш юқларини ўз зиммасига олмасликда узр йўқ. Энди ерга ёпишиб олиб ҳаракат қилмасликни оқлайдиган ҳеч нарса йўқ.

Душман давлатлар Ислом юртларида қилаётган ишлар улар ўртасида ўзаро тақсимланган ва бири иккинчисидан ажралган эмас. Шунинг учун биз аввал Англияга қарши туриб, Америка билан вақтинчалик сулҳ тузамиз ёки Америкага қарши туриб, Россия билан вақтинчалик сулҳ тузамиз, дейилмайди. Балки бу икки улкан давлат — Россия билан Америка Ислом юртларида биргаликда ўз ҳукмини ўтказиш ва нуфузини ёйиш учун ҳаракат қилишмоқда. Бу икки давлат бутун оламни ўзаро тақсимлаб олишган бўлишса

ҳам дунёнинг ҳамма жойида биргаликда иш олиб боришмоқда. Мана шу тақсимланган олам таркибига Ислом юртлари ҳам киради. Масалан, Миср билан Сурия Америка минтақаси бўлсада, Россия у ерларда ҳаракат қилади. Коррея ва Вьетнам Россия минтақаси бўлсада, бу ерларда Америка ҳаракат қилади. Бу икки давлат Танзания билан Жанубий Африка устида ўзаро рақобатлашишдан ҳам қайтишмайди, гарчи бу рақобат адоватсиз «спорт рақобати» бўлса ҳам. Шунинг учун уларнинг бири билан сулҳ тузиб, бошқаси билан урушиш мумкин эмас. Чунки бу кураш фақат иккаласига қарши қаратилгандагина воқеликда намоён бўлади. Шунинг учун бу ўринда сулҳ тузиш тўғри келмайди. Шунингдек Англия Малайзия ва Тунисда ҳаракат қилмоқда. Бироқ Америка ҳам бу икки давлатда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ва нуфузини ёйиш учун ҳаракат қилмоқда. Америка бу икки давлатни деб Англияга қарши курашса ҳам, бу кураш уруш ва душманчилик кураши эмас, балки ўлжалар устида рақобатлашиш бўлади. Бу иккиси бир бирига қарши ўйнаётган ўйинчиларга ўхшашади. Бунда қайси бири ғолиб келса ўша фойдага эга бўлади, гарчи ўйин моддаси Тунис ва Малайзия, яъни Ислом юртлари бўлса ҳам. Шунинг учун уларнинг бири билан сулҳ тузиб, бошқаси билан курашиш мумкин эмас. Бу кураш қанчалар хатар ва қурбонликларни келтирса ҳам, икковига қарши бирданига курашиш керак.

Шунинг учун Ислом юртларини озод қилиш учун душман давлатларга қарши кураш уларнинг ҳаммасига қарши бўлиши керак. Бу давлатларнинг бирортаси билан ҳеч қандай вақтинчалик сулҳ тузилмаслиги, гарчи улардан бирортасининг зиддига бўлса ҳам бошқасидан ҳеч қандай ёрдам сўралмаслиги керак. Чунки уларнинг ёрдами амалда бўлмайди. Балки бу ёрдам — душманлардан Ислом юртларини озод қилиш учун эмас — куфр ҳукмронлигини ўрнатиш учун ёрдам бўлади. Шунинг учун Ислом уммати бу тўрт давлатга қарши бир вақтнинг ўзида курашиши зарур бўлади. Бу курашда ҳеч қандай вақтинчалик сулҳ тузиш, ёрдам сўраш, лаганбардорлик ва хушомад бўлмаслиги керак. Демак мавзу қайсидир давлатга душманлик қилиб, унга қарши рақобат юзасидан бошқа бир давлатдан ёрдам сўраш

эмас, балки кофир давлатларнинг ҳаммасини Ислом юртларидан чиқариб ташлашдир. Шунинг учун Миср рахбарларининг англизларни чиқариб ташлаш учун Америкадан ёрдам сўрашлари ва Шом ўлкалари рахбарлари Францияни чиқариб ташлаш учун англизлардан ёрдам сўрашлари ҳато ва хатарли иш бўлган. Зеро, бир душманга қарши бошқа душмандан, бир мустамлакачига қарши бошқа мустамлакачидан ёрдам сўралмайди. Буларнинг бирини иккинчисидан афзал қўйиш «оқ сув» касали сабабли кўзи кўр бўлган билан «қора сув» касали сабабли кўзи кўр бўлганни бирини иккинчисидан афзал қўйишга ўхшайди. Холбуки бу иккиси ҳам кўр бўлиб, бу борада бирининг иккинчисидан афзал жойи йўқ.

Сиёсий амаллар — уларни хоҳ шахслар, хоҳ партиялар, хоҳ уюшмалар, хоҳ битта давлат ёки давлатлар қилсин барибир — инсонларнинг ишларини бошқариш учун қилинадиган амаллардир. Сиёсий амаллар ер юзида жамоатлар пайдо бўлгандан бери мавжуддир. Шундан буён қабилалар ҳам, рахбарлар ҳам сиёсий амалларни қилиб келишган. Модомики ер юзида ишлари бошқариладиган жамоатлар мавжуд экан, бундан кейин ҳам инсонлар сиёсий амалларни қиладилар. Шунга кўра сиёсий амалларни қилиш сиёсатда моҳирликни ва ҳукм юритиш фанини чуқур билишни талаб қилмайди. Балки ҳар бир шахс, ҳар бир жамоат ва ҳар бир давлат сиёсий амалларни қилиш имкониятига эга. Бироқ озод бўлишни хоҳлаган ҳар қандай халқ ва инсонларга рисолатни кўтариб чиқаётган ҳар қандай уммат катта аҳамият бериши зарур бўлган сиёсий амаллар ажнабий давлатларга, хусусан мустамлакачи давлатларга қарши курашга ва тамагир давлатларнинг хатаридан сақланишга тааллуқли бўлган амаллардир. Мана шундан Ислом уммати озодликни хоҳлар экан ва даъватни тарқатар экан ажнабий давлатларга тааллуқли бўлган сиёсий амалларга катта аҳамият бериши ва бошқа амаллардан кўра ортиқ даражада эътибор қаратиши ва қилиниши керак бўлган амаллар рўйхатининг бошига қўйиши зарур.

Агар биз ўтмишу ҳозирдаги сиёсий амалларни кўриб чиқсак, улар тарих саҳифаларини тўлдириб ташлаганига

гувоҳ бўламиз. Тарихнинг ҳаммаси сиёсий амаллардир. Ҳозирда ҳам бутун дунёни сиёсий амаллар машғул қилиб турибди. Биз бу сиёсий амаллар давлатлар учун галабани кафолатлаган, халқлар ва миллатларнинг мартабасини кўтарган ва кўп вақт жангларда кўп сонли қўшинларнинг ўрнини босганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)нинг қабилалар билан учрашувлари, иккинчи Ақаба байъатани олишлари, Макка хабарларини аниқ билиб келишга Абдуллоҳ ибн Жаҳшни юборишлари, Бадр жангига сабаб бўлган Қурайш карвонини олиш учун қўзғалишлари, Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) Ҳандақ жангида қабилаларга тўсқинлик қилгани ва уларнинг ичида шубҳаларни қўзғатгани Нуаъймни юборишлари, умра қилиш учун бориб, Ҳудайбия сулҳини тузишлари, Саъдни Бани Қурайза қабиласи устидан ҳакам қилишлари, даъватчиларни қабилаларга юборишлари, подшоҳларга мактублар жўнатишлари, Маккага кетаётганларида Аббоснинг Абу Суфённи олиб келиши, шартномалар тузишлари Арабистон ярим оролидан келган элчиларни кутиб олишлари, олдиларига келган насороларни қабул қилишлари, Бани Назр қабиласини сургун қилишлари, форслар тарафидан тайинланган Яман ҳокимини Исломни қабул қилганидан кейин яна Яманга ҳоким қилиб тайинлашлари бу ва бу каби ишлар сиёсий амаллардир. Бундай ишларни Ҳулафои Рошидинлар ва бошқа халифалар ҳам қилганлар. Уларнинг ажнабий давлатларга нисбатан олиб борган ишларининг барчасида сиёсий амаллар устивордир. Шунинг учун қўшин амирларини жангга жўнатаётганиларида жанг қилинадиган қавмдан Исломга киришни талаб қилишни, агар бош тортишса жизя тўлашга таклиф қилишни, бундан ҳам бош тортишса Аллоҳдан яхшиликни сўраб, уруш эълон қилишни амирларга буюрар эдилар. Уруш мурожаат қилинадиган энг сўнгги чора бўлиб, биринчи навбатда сиёсий амалларни бажариш лозим. Мана шундан сиёсий амаллар умматнинг энг муҳим вазифаларидан ва бажариши лозим бўлган энг зарур ишларидандир. Шундан сиёсий амаллар озод қилиш ҳаракатларининг энг муҳими ва Ислом даъватини ёйиш ишларининг энг зарури экани ажабланарли эмас. Агар

сиёсий амаллар бўлмаганида Исломни ёйиш амалга ошмаган бўлар эди ва шу асрда одамларга Ислом даъватини ёйишнинг имкони бўлмас эди. Бироқ бу асрда сиёсий ишларни бажариш умматдан давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг аҳволини билишни, бу алоқаларни кузатиб боришни, уларнинг сирлари ва мақсадларини идрок этишни, манёвр ва манёвр бўлмаган ишларни ажратишни билишни, амал билан унинг мақсадлари ўртасини фарқлай олишни ва алоқаларнинг якуний вазиятларидан хабардор бўлишни талаб қилади бу эса доимий суратда умматни сиёсий сақофат билан билимини бойитишни тақозо этади ва умматни ташқи сиёсатни доими равишда тўлиқ идрок этадиган ва уни кузатиб борадиган қилиб қўйишни ҳамда бу сиёсат устидан Ислом даъвати ҳакам ва уни ҳаракатлантирувчи омил бўлишини тақозо этади. Масалан, уммат халқаро алоқалар ўзгарганини, икки ҳарбий блок, яъни шарқий ҳарбий блок ва ғарбий ҳарбий блок халқаро алоқаларга бошчилик қилиб, уларни ҳаракатлантириб турганидан кейин, энди икки давлат — Америка ва Россия уни бошқариб, ҳаракатлантириб турганини билишнинг ўзи етарли эмас. Балки бу икки давлат икки лагер каби ҳаракатланмаётганини ва шунингдек қўйидагиларни билиши шарт: халқаро вазият уруш ёқасига бориб қолиши ва кейин кескинлик юмшаши ҳам мумкин. Бироқ бу икки йирик давлат ҳалокатли шатранж ўйинини ўйнамоқда. Агар халқаро вазият уруш ёқасига бориб қолса, уни тўхтата оладиган бирорта ҳам куч топилмайди. Шунинг учун бу икки давлат ўртасидаги уруш халқаро вазият икки лагер ҳолида қолишидан кўра хатарли ва аниқдир. Халқаро вазият икки лагер ҳолатида бўлиб турганда учинчи лагернинг ҳам пайдо бўлиши, шунингдек ривожланиш ва ўсишга қодир биронта фаол давлат чиқиб, дунёда биринчи давлатдан ўтиб кетиши ҳам мумкин эди. Халқаро вазият икки йирик давлат ўртасида чекланиб қолгандан кейин, учинчи лагернинг вужудга келиши ва бирор давлат ўсиб, ривожланиб бу икки давлатдан ташаббусни ўз қўлига олиши ҳам қийин бўлиб қолди. Шунга кўра асосий муаммоларни қисқача билишнинг ўзи етарли эмас, балки яширин сирлар ва тафсилотларнинг кўпидан хабардор бўлиш ҳам зарурдир. Масалан, одамлар Англияни буюк давлат

мақобмидан тушиб қолганини, халқаро ишларни назорат қила олмайдиган ва халқаро вазиятларга таъсир этишга қодир бўлмай қолганини билишлари етарли эмас. Балки Англия «Британия ҳамкорлиги» ва малайлари орқали ўз мустамлакаларида мавжуд бўлиб турганини, у халқаро ишларни кузатиб, уларга аралашишга ҳаракат қилаётганини ва ўзининг анъанавий уч асосларини ҳамон сақлаб қолаётганини, Америка инглиз мустамлакачилигини йўқ қилишга ва инглизларни заифлаштиришга уринаётганлигига қарамай у ҳамон Американинг орқасидан югираётганини ва уни ўзига таянч қилишга ҳаракат қилаётганини ҳамда Европани бўйсундиришга ва Европа давлатлари ўртасида мувозанатни сақлаб қолишга ҳаракат қилиб умумий бозорга кирганини, иқтисодий жиҳатларни четлаб сиёсий иттифоқлар тузишга Европани тортишга ҳаракат қилаётганини ва ўзининг собиқ мустамлакаларини — улар Британия ҳамкорлиги бўладими ёки мустақиллигини бериб, одамлар кўзига озод кўрсатиб қўйган давлатлар бўладими барибир — сиёсий жиҳатдан бошқариб келаётганини билишлари керак. Халқаро алоқаларни юргизиш устидан чиқарилган ҳукм тўғри ҳукм бўлиши ва Ислом умматининг халқаро вазиятлар қаршисида тутган ўрни тўғри бўлиши учун мана шуларни билиши шартдир.

Кейин муаммоларни ўз ҳақиқатида билиш шарт. Шунда Вьетнам уруши деб номланган нарса — ҳарбий ишларни сиёсий амаллар учун восита қилиб олган — сиёсий амал экани маълум бўлади. Шунингдек маълум бўладики, Ҳарбий Германияда Бранднинг ҳокимиятга қайтишидаги ғалабаси Россиянинг кўмаги билан бўлди. Америка эса бу сайловларда мағлубиятга учради. Шунинг учун Бранднинг ҳаракати қоқилиши ва узоқ замонга муҳтож бўлиши кутилади. Агар Американинг номзоди, яъни христиан демократик партияси ғалаба қозонганда, Марказий Европа учун белгиланган тартиботларда ҳаракат қилиш тезроқ, осонроқ ва кўпроқ кафолатланган бўлар эди. Кипр муаммоси эса юнонлар ва турклар ўртасидаги муаммо бўлмай, балки америкаликлар билан инглизлар ўртасидаги муаммо бўлиб, у оламдаги инглиз базаларини йўқ қилиш ишларидан биридир.

Шунингдек маҳаллий муаммоларни фақат ташқи томонини билиш етарли бўлмай, балки унинг ортидаги ишларни ҳам билиш шарт. Масалан, Америка президент сайловларида биринчи ва иккинчи марта ҳам Никсоннинг галаба қозонганини кўрган вақтда Америка халқи Никсон билан бирга, деган тарғиботлар оқимига эргашиб кетмаслик лозим. Балки у ўз номзодини қўйишидан олдин бўлиб ўтган ишларни кўриб чиқиш керак бўлади. Илгари у президентликка номзодини қўйганда сайловда Кеннеди ютиб чиққан эди. Америка вилоятларидан бирида ҳокимиятга номзодини қўйганида ҳам галаба қозона олмади. Шундан кейин ҳеч қачон ўз номзодини қўймасликка қасам ичиб, катта ширкатларда адвокатлик билан машғул бўлди. Унинг номзодини қўйган ва биринчи ва иккинчи мартада ҳам галаба қозонишини амалга оширган мана шу ширкатлар эди. Америкада халқ ўзи хоҳлаган президентини сайлай олмайди, балки катта мулк эгалари ва капиталистлар ўз молларини ишга қўйиш учун президентни ўзларидан вакил қилиб сайлашади.

Масалан, Англиядаги ишчилар партияси Европа умумий бозорига кириш учун зарар келтиривчи шартларни қабул қилгани учун ҳукмрон консерватив партияга ҳужум қилганини кўрган вақтда, бу икки партия ўртасида ҳокимият учун бўлган маҳаллий сиёсий кураш ва инглизлар манфаатини ҳимоя қилиш, деб ўйлаш хато бўлади. Балки у агар Европа умумий бозоридан ўз мақсадларини рўёбга чиқара олмайдиган бўлса, Англия учун чекинишга йўл ҳозирлаб қўйишдир.

Масалан, Руминия ўзи мустақил фаолият юритишга интилаётганини ҳамда Америка билан ҳамкорлик қилиб, Россия ҳукмронлигидан озод бўлиш учун ҳаракат қилаётганини кўрган вақтда бу ҳақиқий воқелик, деб ўйлаш ҳам хато бўлади, балки бу Хитой - Россия ва Хитой - Америка алоқаларида муҳим даврни ўйнаши учун Америка билан келишган ҳолда Руминияни Россия томонидан ҳаракатлантиришдир.

Шунингдек асосий муаммолардан иккинчи даражали муаммоларни ажратиш, соф иқтисодий муаммолар билан соф

пул муаммолари орасини ва сиёсий иқтисодий муаммолар билан сиёсий пул муаммолари орасини фарқлай олиш шартдир. Бу муаммолар турткилар, ёки мақсадлар, ёки шу иқтисодий ва молиявий амаллар жиҳатларидан бўладими уларни фарқлай билиш керак.

Қисқаси, уммат сиёсий билимлар билан тарбияланиши, асослар ва тафсилотлар ҳақида тўғри билим билан таъминланиши шартдир. Чунки у — озодлик ҳаракатларида бўладими ёки оламга исломий даъватни ёйишда бўладими фарқсиз — сиёсий амалларни қиладиган умматдир.

24.11.1392ҳ

29.12.1972м

МУНДАРИЖА

- Сиёсий қарашлар 3
- Англия сиёсати 5
- Америка сиёсати 13
- Франция сиёсати 31
- Россия сиёсати 36
- Халқаро муаммолар 47
- Ислом умматининг вазифаси . 58